

МУНАВВАР ЗАМИН




САЙЁРА ТУЙЧИЕВА

МУНАВВАР ЗАМИН

5-7
40

с-7

«Sano-standart» нашриёти
Тошкент – 2017



УЎК: 94(575.114)

КБК: 60.56(5Ў)

Т 96

САЙЁРА ТУЙЧИЕВА

Мунаввар замин / Т.: «Sano-standart» нашриёти, 2017 йил. – 100 бет.

Такризчилар:

А.Замонов

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари
бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик
марказ бўлим бошлиғи

Б.Аминов

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари
бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик
марказ бўлим бошлиғи, тарих фанлари
номзоди

Бобокалонларимиз “Ватанни шунчаки севиш мумкин эмас. Унинг дарди билан яшамок, унинг бахтидан қувонмок, Ватан билан фахрланмок керак” дейдилар.

Қўлингиздаги рисолада Она Ватанимиз сарҳадларидан бири – Жиззахда олиб борилаётган беқиёс изланишлар, воҳанинг меҳнаткаш ва камтарин инсонлари, оловқалб ёшлари ҳақида сўз юритдик.

Чирой очиб бораётган Жиззахнинг ҳар бир мунаввар манзилида истиқлолнинг залворли қадамлари-ю беқиёс имкониятларини кўрдик.

Юрагида ғурурни, миллатни, Ватанни, азиз Ўзбекистонни олиб юрган, шу юрт меники, унинг тараққиётида менинг ҳам ҳиссам бор, деган меҳнатсевар ва самимий жиззахликлар ҳақида ёздик.

УЎК: 94(575.114)

КБК: 60.56(5Ў)

ISBN 978-9943-4882-3-6

© «Sano-standart» нашриёти
© Сайёра ТУЙЧИЕВА, 2017

АЗИЗ ЎҚУВЧИМ!

Бобокалонларимиз “Ватанни шунчаки севиш мумкин эмас. Унинг дарди билан яшамоқ, унинг бахтидан қувонмоқ, Ватан билан фахрланмоқ керак” дейдилар.

Зотан, Ватан сурати отамизнинг дуоси, онамизнинг алласидай онгу шууримизга ўрнашган тоза тилаклар, ёруғ ниятлар тимсоли бўлиб йўлимизда йўлчи юлдуздай порлаб туради. Нондай мўътабар, она тупроқдай азиз Ватанимизнинг ривожига ҳисса қўшмоқни истаган ҳар биримизнинг кўнглимизда эзгу орзулар мужассам.

Мутафаккирлар “Нур Шарқдандир” дейдилар. Биз дунё илму закосига тамал топи қўйган илму донишлар, мутафаккирлар набираларимиз. Математика ва астрономия фанлари асосчиси Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Ер ўлчови ҳақидаги дастлабки маълумотлар билимдони Аҳмад ал-Фаргоний, Ер радиусини ҳисоблаб чиққан, денгизлар назарияси асосчиси Абу Райҳон Бериуний, тиббиёт отаси Ибн Сино, қомусий аллома Абу Наср Форобий, сўз мулкининг султони Алишер Навоий, буюк Соҳибқирон Амир Темур, 1018 юлдузнинг жойлашув тартибини асослаб берган Мирзо Тарағай Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, биринчи туркий тиллар луғати муаллифи Маҳмуд Қошғарий, араб тили грамматикаси асосчиси Маҳмуд Замаҳшарийдек аҳли донишларнинг, улуғ тафаккур эгаларининг авлодларимиз. Алломаларимизнинг тарихий, маънавий меросларини чуқур ўрганмоқ, давом эттирмоқ вазифамиздир.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таппаббуси билан бошланган, дунёда андозаси бўлмаган уч босқичли спорт мусобақалари эса жисмонан ва ақлан соғлом фарзандлар камолоти учун қўйилган мустаҳкам заминдир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосчиси ва муаллифи Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг комил шахсни тарбиялаш, баркамол авлодга барча шарт-шароитларни муҳайё қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари Ўзбекистонни дунёга танитаётган

фарзандларимиз учун тенгсиз имкониятдир. Бу имконият ўзбек илму тафаккури, маънавияти, адабиёти, маданияти ва спорти зарварақларида янги саҳифалар очади, келажакка хизмат қилади.

Қўлингиздаги рисолада Она Ватанимиз сарҳадларидан бири – Жиззахда олиб борилаётган бекиёс изланишлар, воҳанинг меҳнаткаш ва камтарин инсонлари, оловқалб ёшлари ҳақида сўз юритдик.

Чирой очиб бораётган Жиззахнинг ҳар бир мунаввар манзилида истиқлолнинг залворли кадамлари-ю бекиёс имкониятларини кўрдик.

Юрагида ғурурни, миллатни, Ватанни, азиз Ўзбекистонни олиб юрган, шу юрт меники, унинг тараққиётида менинг ҳам ҳиссам бор, деган меҳнатсевар ва самимий жаззахликлар ҳақида ёздик.

Жиззах вилоятига ташрифингиз муборак бўлсин!

ЖИЗЗАХ ДЕСАМ ...

Жиззах деганда кўз ўнгимизга Туркистон ва Нурота тизма тоғларига туташ – Моргузор, Қўйтош, Писталитоғ, Ғўбдин каби тоғ ёнбағирларидаги сўлим шаршаралар, денгиз сатҳидан тўрт минг метр баландликда жойлашган зичлиги билан минтақада ягона Зомин арчазорлари, осмонлар билан туташиб кетган оппоқ қорли пурвиқор қоялар, улкан даралар узра шовуллаб оқаётган марварид булоқлар, неча асрлар сир-синоатларига гувоҳ Форишнинг улкан бобочинорлари, Бахмалнинг Ойқортоғ этакларидаги бодомзор ва ёнғоқзорларга тўла сербарака боглари, мислсиз мўъжизалар яширинган Айдар ва Тузкон қўллари намоён бўлади. Шунинг учун бу гўзал масканлар Ўзбекистоннинг марварид дурдоналари деб аталади.

Буюк олимларимиз таъкидлаганидек, бу муаззам юртда аجدодларимиз заковати, салоҳиятидан дарак берувчи – қадимий туркларнинг қуёш йили тимсоли – оламда ягона бўлган “Қуёш тақвими” (Сақлар тақвими) бор, ҳар йили 19 февралдан 21 мартга қадар қуёш нури туташадиган Хуттош, Қантартош, Ҳамалтошларнинг сирли ажойиботлари мужассам.

Географик жиҳатдан Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган, Самарқанд ва Тошкентни боғлаб турган, Сирдарё ва Зарафшон дарёлари соҳилларида ўрнашган бу жаннатмакон масканда йигирмадан зиёд гор ва даралар икки минг йиллик тарихдан сўзлайди.

Кўпгина манбаларда таъкидлаб ўтилган Жиззах туманидаги бронза даврига доир Такалिसой қоятош расмлари, Пишоғор гори ва Пойимардсойдаги излар, тарих отаси Геродот тилга олган Ғаллаоролдаги Қуёш тақвими, Форишдаги Учқизтош ёки Қизлартош полеоансамбли тарихнинг ёзилмаган китобларидир. Улар ҳозиргача ўзбек халқининг миллий ғурури сифатида, бу юрт нақадар қадимий эканининг исботи сифатида фахрланиш туйғуларини уйғотади.

Искандару Қутайба, Чингиз чанг солганда ҳам ўз эркини, қадрию қаддини тиклаш учун ҳалол меҳнати ва жасорати билан ҳаёт бешигини тебратиб келаётган бу эл эгилмай бошидан не-не давронлар синоатини ўтказган.

Соҳибқирон Амир Темур, Бобур ва Улуғбекларнинг пойқадамлари теккан бу юрт меҳмондўстлиги, ҳамжиҳатлиги, юртпарварлиги билан танилган. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу мозийнинг не-не даври давронлари бирдай кесишади.

Ривоят қилишларича, Соҳибқирон Амир Темур кўп минг кишилиқ аскарлари билан Жанубий-ғарбий Осиёга юриш қилганида ҳозирги “Илон ўтди” дарасидан ўтган эмиш. Ўша вақтда Нурота, Морғуззор тоғлари “туташ” бўлган бу хилват жойдан ҳеч ким ўта олмаган экан. **Фақат Амир Темур ўз қўшинлари билан ўтаётганда тоғ ўз-ўзидан ажралиб, унинг қўшинига йўл берган экан. Шунинг учун бу жой “Темур Қопуғ”, ёки “Темур дарвозаси” деб аталган экан.** Ҳозирда бу бебаҳо тарихий маскан Жиззахнинг рамзий дарвозаси саналади.

Қадимий Жиззах шахрининг пайдо бўлиши ҳақидаги ривоятларнинг бирида шундай дейилади: қачонлардир ҳозирги Жиззах ўрни Қизилқум чўлига уланиб кетган тўқайзорлардан иборат бўлган экан. Кунлардан бир кун Шарқ мамлакатларининг бирига юриш қилган Бухоро хони ўз қўшинига дам берган. Ана шунда хон аъёнларидан бири тўқайзорни айланиб юриб олтин топиб олган. Эртаси куни у хонга ўзини ёмон ҳис этаётганини айтиб, шу ерда қолдиришларини сўраган.

Орадан йиллар ўтган, қирғинбарот урушдан хориб-толиб қайтаётган хон қўшинлари аввалги тўқайзор ўрнида бунёд этилган мустаҳкам қалъага дуч келишган. Хондан ажралиб қолган ўша аъён ўз ҳукмдорини шаҳар дарвозаси олдида ҳурмат билан кутиб олган. У хонга тўқайзордан топилган олтинлар ҳисобига ушбу қалъани қурганини сўзлаб берган. Хон ўз аъёнининг гуноҳидан кечган ва ҳаттоки: “Сен мен берган тузни оқладинг, шунинг учун ҳам бу шаҳар-қалъанинг номи “Тузҳақ” бўлсин” деб ушбу жойга ном берган экан.

“Ўзи ҳам билмайди қай бири машхур,
Бир ўғли Яссавий, бир ўғли Темур”

деб ёзган эди Ўзбекистоннинг ардоқли шоири Муҳаммад Юсуф.

Маънавиятнинг улуғ пирлари ҳисобланган Дизакий, Зоминий, Навқадий, Усмандий каби ҳадисшунос ва исломшуносларга бешиқ бўлган бу диёр 70 дан ортиқ ҳадисшунос, 30 дан ортиқ ислом ҳуқуқшунос олимлари етишиб чиққан макон ҳисобланади. Мана шундай қувваи ҳофизаси ўткир мутафаккирлар ва алломаларнинг илмий асарлари жиззахликларнинг маънавият жавоҳирларидир.

ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

Тарихда Уструшона деб номланган масканнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган Жиззах маданий ўлкаси тарихи кейинги йилларда тадқиқот ва ўрганишдан деярли четда қолган, онда-сонда ўтказилаётган илмий изланишлар кўлами кичик, мунтазамлик ва узвийликдан йироқ кўринишда эди.

Биринчи Президентимизнинг Жиззахга: “Жиззах 2000 йилдан кўпроқ тарихга ва гўзал табиатга эга бўлган тарихий маскан... ўзбек халқининг кўпдан-кўп асл фарзандлари мана шу заминда тарбия топган, ўз фидойилиги билан эл-юртимизнинг обрўсига обрў, салоҳиятига салоҳият қўшган. Тарихда ўзларининг пок номларини қолдирган”, дея берган таърифлари Жиззахликлар калбига фахру ғурур бағишлайди.

Уструшона ўлкаси Марказий Осиёдаги қадимий халқнинг ҳаётий фаолияти учун қулай воҳалардан бири ҳисобланган. Уструшонанинг жанубий сарҳадларидаги тоғлар бағридан бошланиб, водий томон окқан дарё ва дарёчалар, сой ва булоқ-чашмалар ҳавзасида қадимдан аҳоли ўтроқ тарзда ҳаёт кечирган, лалмикорликдан ташқари сунъий сўғоришга асосланган деҳқончилик билан шуғулланган.

Олимларнинг таъкидлашича, дастлабки ишончли маълумотлар қадимги юнон тарихчиларининг Александр Македонский ҳарбий юришлари ҳақидаги асарларида келтирилади. Бу манбаларнинг аксариятида, Эрон шоҳи Кир томонидан Яксарт (Сирдарё) дарёси бўйида қурдирилган етти шаҳар ҳақида маълумотлар бор. Антик ва ўрта асрларда Уструшона давлати ҳақида битилган ёзма маълумотлар таҳлиliga кўра ушбу мамлакат чегаралари шимолдан Сирдарё, жанубдан Туркистон тоғлари, шарқдан Фарғона водийси, Ғарбдан Катвон даштлари (Ғаллаорол тумани) билан чегараланган. Бу ҳозирги сиёсий, маъмурий харита бўйича Ўзбекистоннинг Сирдарё ва Жиззах вилоятлари, Тожикистоннинг Сўғд вилояти, Қирғизистоннинг Лайлак туманига тегишли ҳудудларни ташкил этади.

Милоддан аввалги 329 йилда Сўғдиёниани истило қилган Александр Македонский Уструшонага юриш бошлайди. Унинг мақсади Сирдарё ҳавзасидаги Уструшонага қарашли шаҳар, кишлоқларни ва дарё ортида яшовчи кўчманчи сак қабилаларини ўзига тобе қилиш эди. Арриан ва Квинт Курций Руфнинг хабарига кўра, милоддан аввалги 329 йилнинг ёзида саркарда Сирдарё томон йўналган бир пайтда қўшиндан отларга ем-хашак, аскарларга озиқ-овқат йиғувчи “фуражир отряди” ватанпарвар аждодларимиз

томонидан кириб ташланади. Бундан хабар топган Александр Македонский сараланган қўшини билан тоғ олди қишлоқлари сари юриш қилади, лекин бу пайтда аҳоли шу атрофдаги қоялари ниҳоятда тик тоққа чиқиб кетган эди. Тик қояли тоғ устига чиқиш ҳамда у ердаги маҳаллий қурашчиларни тор-мор қилиш Македонский ва унинг қўшини учун ғоят қийин кечади. Эрксевар маҳаллий аҳолининг бир қисми жангда ҳалок бўлади, баъзилари тик қоядан ўзини пастга отиб, нобуд бўлади, қўлга тушганлар аёвсиз равишда қатл эттирилади. Тарихчи муаллифлар хабарига кўра, ўттиз минг аҳолидан фақат саккиз минг тирик қолади. Олимлар бу жанг Жиззах шаҳри яқинидаги “Темир дарвоза” қояларида содир бўлган, деб ҳисоблайдилар.

Қалиятёпа шаҳар ёдгорлиги шаҳарнинг энг катта археологик обидаси ҳисобланади. Қалиятёпа бир-бирига узвий боғланган 6 та турли шаклдаги тепаликлардан иборат бўлиб, унинг пойдеворига бунёдкор аجدодларимиз томонидан милоддан аввалги III асрда асос солинган. Шимол-жануб йўналиши бўйича ястанган ушбу маданий ёдгорликнинг ҳозирги пайтгача сақланиб қолган қисмининг умумий майдони 50 гектарни ташкил қилади. Қалиятёпа ҳам қадимги Шарқ шаҳарлари сингари анъанавий уч қисмга бўлинган: булар арк – шаҳар ҳокими саройи; шаҳристон – мудофаа девори, ҳарбий буржлар билан ўралган арк билан туташиб кетган шаҳар мавзеси; роботлар – мудофаа девори ва ҳандақлардан ташқари алоҳида жойлашган бешта тепаликдан ташкил топган.

Уструшонанинг яна бир маданий ҳудудларидан бири Зомин рустоқи (тумани) ва шаҳри бўлиб, бу ҳақда батафсил маълумот X аср муаллифлари Ибн Ҳавқал ва Ал-Муқаддасий асарларида берилган. Абулқосим ибн Ҳавқалнинг “Сурат ул-арз” (“Ернинг сурати”) асарида эътироф этилишича, “Пойтахт Бунжикат шаҳридан кейин ҳажм жиҳатидан Зомин туради. Фарғонани Суғд билан боғловчи каттагина йўл ёқасида жойлашган Зомин Сарсанда номи билан ҳам аталади. Сарсанда янги шаҳар бўлиб, унинг ёнида харобага айланган эски шаҳар мавжуд. Бозорлар, жомеъ масжиди ва шаҳарнинг барча аҳолиси Сарсандага кўчган. Янги шаҳарнинг атрофи деворлар билан ўраб олинмаган. Зомин – Суғддан Фарғонага йўл олган савдогарлар ва сайёҳлар тўпланадиган жой. Унда оқар сув, боғлар, узумзорлар ва суғориладиган деҳқончилик ерлари кўп. Шаҳарнинг орқа қисми Уструшона тоғларига, олд томони дашт ҳудудига, Ғўзлар юртига қараган. Зоминни дарё икки қисмга ажратган, дарё устида кичик кўприклар қурилган”.

Шаҳристонсой (Зомин) ҳавзасидаги Қалъаи Қаҳқаҳа, Хўжамушкентсой бўйидаги Култёпа, Шўрбулоқсой этагидаги Эски Ховос, Зоминсув бўйидаги

Ўрдатепа (Октепа), Сангзорнинг ўрта оқимидаги Қўрғонтепа (Ғаллаорол), қуйи оқимидаги Қалийтепа (Жиззах), этак қисмидаги Дунётепа мазкур мўъжаз воҳалар учун сиёсий, иқтисодий, маъмурий ва маданий марказ бўлиб хизмат қилган. Бу даврда Уструшона мустақил давлат сифатида тарих саҳнасида ўрин олган, унинг ҳудудий чегараланиши юз бергандан сўнг ушбу маданий воҳалар муайян рустоклар ва уларнинг бош шаҳрига асос бўлган. Ҳар бир бош шаҳар бир-биридан 600 – 800 метр масофа узоқликда жойлашган бир қатор қалъа-роботлар ҳалқаси билан ўраб олинган. Мамлакатнинг маъмурий маркази Бунжикат пойтахт мақомини олган.

Харакана (Ғаллаорол) – Дизак – Зомин – Сабат (Янгиобод) – Хавос – Бунжикат рустоклари йўналишида кўп сонли савдо йўллари, хусусан, Буюк Ипак йўли карвон савдосининг транзит тармоқлари фаолият кўрсатган ва ўлка шаҳарлари тараққиётига ижобий таъсир этган.

Қадимшуносларнинг манбаларига кўра, Жиззах воҳасини, хусусан, унга туташ Мирзачўлни Буюк Ипак йўли тизимидаги карвон йўллари турли йўналишларда кесиб ўтган ва бу йўллар ўрта асрларда «Мовароуннаҳрнинг улкан савдо бандарғоҳи» – Самарқандни Шош, Хўжанд, Фарғона, Ёттисув, Шарқий Туркистон ва Хитой билан боғлаб турган.

X – XI асрлар орасида яратилган тарихий, жўғрофий, бадий-тарихий асарларда “Дизак” атамаси маълум жой ўрни, шаҳарнинг номи сифатида тилга олинган. “Дизак” атамаси асосан “диз” сўзидир. Сўғд тилида “диз” сўзи – “қалъа”, “қўрғон” маъносини билдиради. Бу сўз обод, кент, қўрғон сўзларининг синоними бўлиб, вақтлар ўтиши билан фонетик ўзгаришга учради ва талаффуз учун қулай бўлган Жиззах атамаси истеъмолга кириб келди.

Жиззах маданий ўлкаси азалдан Зарафшон дарёси ҳавзасидаги ўтроқ деҳқончилик воҳасининг шаҳар кишлоқлари учун муҳим стратегик аҳамиятга эга «шарқий дарвоза» вазифасини ўтаган бўлса, Шош ўлкаси, Фарғона водийси, Сирдарё бўйи ўлкалари, кўчманчи-чорвадорлар учун моддий ва маданий, ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўтказиладиган «ретранслятор макон» сифатида фаолият кўрсатган.

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, XV аср охири XVI аср бошида Ўрта Осиёга Шайбонийхон бошлиқ Дашти Қипчоқ аҳолиси оммавий тарзда кўчиб кела бошлаган ва кейинчалик уларнинг катта қисми географик жиҳатдан қулай воҳаларда ўтроқлашган. Ўтроқлашув жараёнлари Жиззах воҳасида ҳам фаол кечди, натижада маҳаллий халқ орасида деҳқончилик ва

хунармандчилик ривожланди, аҳолининг маданийлашуви кучайди, илм-фан тараққий топди.

Шарқий, шимолий, шимоли-ғарбий ҳудудларга ўзбекларнинг юз, қирқ, сарой уруғлари ўтроқлашиши натижасида воҳанинг ўзлаштирилиши ниҳоясига етган. Ўтроқлашув ва маҳаллий аҳоли билан аралашув натижасида воҳа халқларининг шаҳар ва қишлоқ маданияти, иқтисодий ҳаёт, моддий ва маънавий турмуш тарзи, ҳўжалик юритиш усуллари, айниқса сиёсий тарихи янги босқичга кўтарилган, хунармандчилик ривожланган.

Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асаридаги 1367 – 1368 йиллар воқеаларида Дизак ва унинг яқинидаги Харман мавзеси, Малик роботи ҳақида батафсил маълумот берилган.

Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида Дизак ва унинг атрофидаги қўрғон ва кентлар: Работи Малик, Йом, Хавос ҳақида маълумот берилган. Муаллифнинг ёзишича, бу даврда соҳибқиронга қарашли зарбдор сипоҳ Жиззахда мунтазам турган ва Дизак-Чиноз йўналиши орқали ўтадиган «Етти қудук» йўлини қўриқлаган. Амир Темур давлат тепасига келгунга қадар Жиззах учун аввал мўғул-жеталар билан, сўнгра Амир Ҳусайн билан қуролли тўқнашувлар бўлиб ўтган. Манбада қайд этилган «Етти қудук»нинг бири ҳозирда «Самарқанд қудук» номи билан аталади. У Жиззах шаҳридан 15 км шимоли-шарқда жойлашган. Қолган қудуклар ҳам шу ҳудуддаги «Гала қудук» номи билан аталувчи мавзеда жойлашганлиги эҳтимолдан узоқ эмас.

Улуғбек ҳукмронлиги даври (1409 – 1449) Тошкент, Еттисув ва Мўғулистондаги темурийларга қарши муҳолиф кучлар ҳаракатининг фаоллашув даврига тўғри келади. Шу сабабли Самарқандга ўтадиган йўлдаги Илон ўтти дарасини қўриқлаш учун мудофаа занжири ҳосил қилган Жиззах воҳасидаги Қалиятёпа, Ўрда, Равот, Молтоп қалъа-қўрғонлари қайта таъмирланди, ҳарбий қудрати оширилди.

1425 йилда Улуғбек жеталар юрти Мўғулистонга ҳарбий юриш қилади ва мўғул хони Шермуҳаммадхон устидан ғалаба қозонади. Бу Улуғбекнинг ҳарбий фаолиятидаги кам сонли ғалабаларидан бири, энг ёрқини ва асосийси эди. Шунинг учун ҳам ушбу ғалаба ҳақидаги маълумот «Темир дарвоза» нинг баланд қояларидан бирига ўйиб ёзилган ва абадиётга муҳрланган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида «Уструшона бир пайтлар Умаршайх Мирзо гасарруфида бўлган» деб эслатиб ўтади ва Жиззах воҳасидаги аҳоли масканлари – Дизак, Зомин, Йом, Пишағор, Ёр-Яйлоқ, Халилия каби кентлар, Илонўтти дараси ҳақида

кимматли маълумотларни баён қилади. Дарҳақиқат, Бобур 1498 – 1499 йиллар қиш мавсумини ўзининг пири-устози Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор мулкларидан бири бўлган Пишағор қўрғонида ўтказади. 1501 – 1502 йилларда узоқ давом этган Самарқанд қамали туфайли очлик, юпунликка дучор бўлган, Шайбонийхондан мағлубиятга учраган Бобур кам сонли аъёнлари билан бир амаллаб Жиззахга етиб келади ва маълум муддат бу ерда туриб қолади. Жиззахда юксак эътибор, меҳмоннавозлик қўрган Бобур Жиззахга кириб келиш ва унинг атрофидаги турар-жойлар, халқнинг ҳаёти тўғрисида айрим тафсилотларни ёзиб қолдиради: «Кеч намози дигар Илон Ўтида тушуб, от ўлтуруб этини шишлаб, кабоб қилиб, отни лаҳза тиндуруб отландик. Тонгдан бурунроқ Халилия кентига келиб, сўнг Дизак борилди. Бу пайтда Дизакта Ҳафиз Муҳаммадбек дўлдойнинг ўғли Тохир дўлдой (ҳоким) эди. Семиз этлар ва майда этмаклар арзон, чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон. Андоқ усраттин мундоқ арзонлиқ ва андоқ баляяттин мундоқ амонлиққа келдук.

Ваҳму усраттин амоне топтук,
Янги жон тоза жаҳоне топтук.

Мундоқ душман балосидан ва очлик истилосидин халос бўлиб амонлиғ роҳатиға ва арзонлиғ фароғатиға етиштук, Уч-тўрт кун Дизакта истироҳат қилдук».

Адабиётларда Жиззахнинг ўрта асрлардаги тақдири ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотлар келтирилади.

XVI асрнинг бошларида яратилган яна бир ёзма ёдгорлик Муҳаммад Солиҳнинг (1455 – 1535) «Шайбонийнома» достонида ҳам Жиззах ҳақида анча маълумотлар келтирилган. Темурийлар сулоласининг инқироzi, янги салтанат – шайбонийлар ҳукмронлигининг қарор топиши билан боғлиқ тарихий воқеалар баёнига бағишланган ушбу асарда ҳам Жиззах Шайбонийхон ёки унга мухолиф кучларнинг лашкароғи, муҳим ҳарбий стратегик макон сифатида таърифланади. Хусусан, Шайбонийхон «Самарқандни олган йилининг қишинда мўғул устиға черик тортиб Хоникахонни вилоятларин, Шаҳрухияни чоптурғонда» унинг лашкари Жиззах қалъасига тўпланади.

Борди хон қалъаи Диззақ сори,
Салтанат аҳли мулозим бори.

Юқорида таъқидлаганидек, бу даврда Жиззахнинг қулай ҳарбий стратегик имкониятларидан нафақат Шайбонийхон, балки унга қарши муҳолиф кучлар ҳам фойдаланишга ҳаракат қилишган. Хусусан, 1501 – 1502 йилларда Самарқанд қамалида узоқ муддат қолиб кетиб, ташқаридан ҳарбий кўмак кутиб ётган Бобур Мирзога Тошкентдан Хоникахон, Фарғонадан амир Танбал ёрдам беришга аҳд қилишади ва Самарқанд сари лашкар тортишиб, Жиззахда учрашишади.

Ким юриб Хоника келган бўлди,
Мулки Жиззах черикидин тўлди ...
Иттифоқ айлади Танбал ҳам анго,
Шарт сўзини деди маҳкам анго.

Бу даврда Шайбонийхон қўшинлари ва темурий шаҳзодалар ўртасида тож-тахт учун жиддий ҳарбий тўқнашувлар авжига чиққан эди. Муҳаммад Солиҳ ўз асарида дастлаб Жиззах мулки Шайбонийхонга қарши кучлар, иттифоқчилар Хоникахон ва Аҳмад танбал қўшинлари билан тўлиб-тошганлиги ҳақида ёзади, бир муддат вақт ўтгандан кейин эса Шайбонийхонни Жиззахга бутун сарой аъёнлари, мулозимлари билан борганлиги айтилади.

Кейинчалик аштархонийлар (жонийлар) даврида Зомин, Тошкент каби Жиззах ҳам озод бўлишга уриниб кўрди, лекин қатъий зулм остида қайта бўйсундирилди. XVII аср ўрталарида Жиззах минтақасида ўзбекнинг қадимий уруғларидан бири бўлган юз уруғи сиёсий ҳаётда асосий аҳамият касб этди. Бухоро хони Нодир Муҳаммаднинг ўғли Абдулазизхон қадимий Ўратепанинг Сарой қишлоғида 1645 йил хон қилиб кўтарилади. Бундай тахт вориси алмашинуви юзлар уруғига сиёсий жиҳатдан катта манфаат келтиради. Абдулазизхон (1645 – 1680) Боқибий кўрсатган марҳамати билан юз ва унинг биродарлари 1645 йилда Зомин ва Жиззахда юқори лавозимларга эга бўладилар.

1680 йил Абдулазизхон ихтиёрий равишда тахтдан воз кечганлигини билдиради. Бухоро тахтини унинг укаси Субҳонқулихон (1680 – 1702) эгаллайди. Субҳонқулихон ҳукмронлиги даврида Жиззах атрофидаги қалъа ва кентлар Муҳаммад Раҳимбий юзга мулк қилиб берилади. Муҳаммад Раҳимбий юз даврида (1680 – 1695) нисбатан тинчлик даври бўлади ва Жиззахда бир қанча бунёдкорлик ишлари амалга оширилади.

1680 – 1681 йилларда хон Субҳонқулихонга қарши Хитой қипчоқлари кўзғолон кўтаради. Жиззах ҳам кўзғолончиларни қўллаб-қувватлайди. Буни кўзғолон оқибати бостирилгандан кейин унга раҳбарлик қилганлардан бири, қувғиндаги шоир Турдини Жиззахдан паноҳ топиб жон сақлаб қолганлигидан англаш мумкин.

Тарихий жараёнлар ўз йўлини давом эттириб, 1702 – 1734 йилларда Окбўтабийдан сўнг Жиззах сиёсий тарихида ёрқин из қолдирган, юз уругидан бўлган Фозилбий Жиззах ҳудудига ҳукмрон бўлиб қолади.

Ҳукмдорлар Фозилбий ва Ибодулла, Жиззах, Зомин каби ўз қўл остидаги ҳудудларни Эрон қизилбошларидан кейин асраб қолади. Бу даврда Жиззах қалъасида бир мунча муддат Ибодулла ҳоким бўлади.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Абдулфайзхон ўлиmidан сўнг (1711 – 1747) озроқ вақт ўтгач, Бухорога Муҳаммад Раҳимхон (1753 – 1758) ҳукмронлик қила бошлайди. Лекин Нодиршоҳ босиб олгандан кейин анчагина пароканда бўлган ва парчаланган хонлиқда тартибсизлик давом этади. Бундан фойдаланган Фозилбий, Муҳаммад Раҳимхон вафотидан кейин 1758 йилда лашкар тортиб, Бухоро хонлигининг Самарқанд ва Карманагача бўлган ерларини босиб олади. Фозилбийнинг Худоеврий, Бобобий исмли ўғиллари расман мустақил ҳисобланган Ўратепа давлати марказий шаҳарларини бошқарган. Хусусан, Бобобий Жиззахда ҳам ҳокимлик қилган ва бу даврда Жиззах бозори анча обод бўлган.

Бухоронинг навбатдаги амири Шохмурод (1785 – 1800) Худоеврий вафотидан кейин, тахминан 1790 йиллар охирида Жиззахни эгаллайди. Жиззах ҳокими Худоеврийнинг укаси Бобобий парвоначи Ўратепага ҳоким бўлади. Унинг ўрнига Муҳаммад Аминхўжанинг ўғли Муҳаммад Юсуфхўжа Жиззах ҳокими қилиб кўтарилади. Амир Шохмуроддан сўнг Бобобий парвоначи Жиззахни босиб олиш учун ҳужумга ўтади, лекин бу ерда 500 жангчисини йўқотиб мағлуб бўлади. Тез орада Хўжанд ҳокими бўлиб турган ўз амакиси Бекмуродбий томонидан йўқ қилинади.

Бухоро тахтини эгаллаган амир Ҳайдар (1800 – 1826) Ўратепани қўлга киритиш учун Зоминга келади ва Бекмуродбийни тутиб келишга буйруқ беради, Бобобий ўғилларига топшириб, уни қатл эттиради. Шу воқеалардан кейин Жиззахга Ҳусайнбий, Зоминга Афлотун Фулом ҳоким бўлиб қолади. Лекин ҳарбий жиҳатдан бир мунча заиф бўлган амир Ҳайдарга Ўратепа ва Жиззах мавзесида амирликнинг мавқеини мустаҳкамлаш учун ишончли бир одам бўлиши шарт эди. Муҳаммад Раҳим оталик ана шундай одамлардан

бири сифатида Ўратепага ҳоким этиб тайинланади. Худоёрбий Валломиёнинг ўғли Муҳаммад Раҳим оталиққа Жиззах ҳудудидаги Зомин, Ём, Пишағор қалъалари ва Жиззах беклиги тобе бўлади. Бу воқеалар 1814 – 1815 йилларда бўлиб ўтган эди.

Бухоро амирларидан яна бери амир Насрулло Бухоро тахтига эга бўлгандан кейин, (1826 – 1860), Муҳаммад Раҳим оталиқни Бухорога чорлаб, у Эгаллаб турган Жиззахни ундан қайтариб олади ва Жиззахга манғит Ғозибек Мирохурни ҳоким сифатида тайинлайди. Муҳаммад Раҳим оталиқ кўрсатмасига биноан Жиззах аҳолиси Ғозибек мирохурни Жиззахга киритишга қаршилиқ қилади. Бундан ғазаб отига минган амир Насрулло жазоликларни жазолаш мақсадида ўз аскарларини юборади ва 1828 – 1829 йилда шаҳарни батамом ер билан яксон қилади, тобеликдан бўйин товлаганларни қатл эттиради. Жиззах ҳокими қилиб манғит уруғига мансуб Ҳоким додхоҳ тайинланади.

Ўрта Осиёда нотинчлик бўлган XIX асрнинг биринчи чорагида Қўқон хонлигининг ҳарбий қудрати анчагина ортади. Шу сабабли Бухоро амирлигининг ўша даврдаги ҳудудларига, хусусан, Жиззахга кўплаб ҳарбий ҳужум ҳаракатлари ташкил этилади. Негаки бу даврда Жиззах тўлалигича Бухоро амирлиги мулки ҳисобланарди. Ана шу таҳликали вақтларда Жиззах, Ём, Пишағор, Зомин анчайин катта мавқега эга бўлган Бухоро амирлиги ихтиёрида қолди ва амирликнинг ишончли тўсиғи, «қалқон» вазифасини бажарди.

1840 йил бошларида хонлик ва амирлик ўртасида уруш қайтадан бошланади. Бунга Бухоро амирлигининг Мадалихоннинг акаси Султон Маҳмудга «сиёсий паноҳ» бергани сабаб бўлади. Мадалихон кўп минг сонли қўшини билан Пишағор мавзесига келиб ўрнашади. Бухоро қўшини қўқонликларга Жиззахда тўсатдан зарба беради. Ҳужум пайтида Ўратепадаги Мадалихон қўшини ночор аҳволда қолади ва сулҳ тузишга мажбур бўлади.

Сулҳ шартларига амал қилмаган Насрулло қўшини 1842 йилда яна Жиззахга тўпланади. Яна Мадалихон билан жанг бўлиб, унинг оиласи ҳалокатга юз тутаяди ва бир муддат Қўқон хонлиги Бухоро амирлигига тобе бўлиб қолади. Худоёрхоннинг (1848 – 1849) биринчи марта ҳокимият тепасига келган давридан бошлаб, унинг лашкарбошиси ва қайнотаси Мусулмонкулнинг раҳнамолигида Ўратепа ва Жиззах учун яна ҳарбий тўқнашувлар юз беради. 1848 йилда Зоминда нотинчлик бўлаётган пайтда Маҳмудбийнинг ўғли Рустамбек ҳоким сифатида юборилади. Бир муддат вақт ўтгач, ўзаро низолар оқибатида Рустамбек Ўратепага, Абдуғаффорбек

Зоминга ҳоким бўлиб ўрин алмашадилар. Абдуғаффорбек амирлик манфаатлари йўлида хизмат қилишга аҳд қилиб, амир Насруллодан Ўратепани қайтариб олиш учун ҳарбий ёрдам сўрайди. Лекин амир Насрулло унга Бухорога қайтиб қелишини буюради ва унинг ўрнига қатл этилган Исобекнинг укаси Бобобекни тайинлайди.

Амир ўша пайтдаги Жиззах ҳокими, қоратегинлик Қаноатшоҳга Бобобекни шахсан Зомингача кузатиб бориб, уни тахтга иззат-икром билан ўтказишни буюради. Ушбу фармондан Рустамбек хабар топади ва йўлда пистирма ташкил қилиб, тўсатдан Бобобек ва Қаноатшоҳга кучли зарба беради. Рустамбек Қаноатшоҳни Жиззах Ўрдасигача қувиб боради ва уни талофотга учратиб, асирларини қўлга киритади.

1854 йилда Рустамбек 500 нафар жангчиси билан Жиззах атрофида жойлашган кўчманчи қозок овулларига босқинчилик мақсадида ҳужум уюштиради ва анчагина мулкка эга бўлади. Жанг натижасида, Қаноатшоҳ уч жангчиси билан тирик қолади, қолган барча лашкари қириб ташланади. Бухоро амири Насрулло бу ҳужумга қарши қатъий чоралар кўриши шарт бўлади. 1854 – 1855 йилларда Жиззахнинг истеъдодсиз ҳокими Қаноатшоҳни қатл эттиришга фармон беради.

Амир Насрулло 1860 йилда вафот этгач, унинг ўрнини ўғли амир Музаффар эгаллайди ва ўлка учун яна оғир даврлар бошланади. Тахтни кўлдан қўлга ўтиши ўзаро қелишмовчиликларнинг юзага қелишига сабаб бўлади. Жиззах Чор Россияси томонидан босиб олинган вақтда, яъни 1866 йил октябрь ойида шаҳар ҳокими Оллоҳёрбий парвоначи бўлганлиги манбаларда қайд этилган.

Темир дарвоза. Ўрта Осиёда ўрнатилган араб халифалиги давридаги Буюк Ипак йўлининг серкатнов йўналиши ажойиб кўринишга эга бўлган табиат мўъжизаси – “Темир дарвоза” орқали ўтган. Хусусан, халифалик пойтахти Боғдоддан йўлга чиққан карвонлар Басра, Рай, Кошон, Марв шаҳарларидан ўтиб Амударё кечувидаги шаҳар Амул (Чоржўй)га етиб келган. Аму кечуvidан ўтган карвонлар, Бухоро – Самарқанд – Темир дарвоза орқали Жиззах (Дизак)га етган ва ундан икки йўналиш Фарғона ва Тошкент воҳаси орқали Хитойга равона бўлган.

1368 йилда Тошкентдан йўлга чиқиб, Илонўтти дарасидаги жангда 200 нафар отлиқ аскар билан Амир Ҳусайн, Маликшоҳ ҳамда бир қатор мўғул кўшини бошлиқлари ихтиёридаги 3000 аскарга қарши чиққан Соҳибқирон Амир Темур кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ғалабани қўлга киритади. Бу ғалаба

Жиззах воҳасидан ташқари Самарқанду Бухорони ҳам мўғул исканжасидан озод қилади. Мана шу тарихий воқеадан сўнг Моргузар ва Нурота тизмаларининг улкан қоялари қанотида жойлашган Илонўтти дараси халқ тилида “Темир дарвоза”, “Темир Қопиқ” деб атала бошланган.

Қадимги туркийлар ҳаёт тарзида темирчилик ҳунари муҳим ўрни эгаллаган. Уларда омилкор, уста темирчилар кўп бўлган. Шу сабабли, темир метали ва ундан ясалган буюмлар айниқса, жанговар қурооллар ниҳоятда қадрланган. Чунки темирдан ясалган қурооллар мустаҳкамлиги, ўткирлиги, кескирлиги билан мис ва бронзадан ясалган қурооллардан кескин фарқ қилган. Шу сабабли қадимги туркий аجدодларимиз метиндек мустаҳкам тош қоялардан табиий равишда бунёд бўлган дарвозаларини “Тош Қопиқ” эмас, балки “Темир Қопиқ” – “Темир дарвоза” деб аташган. Демак, ҳар бир дарвоза мустаҳкамлиги, мудофаа ишларига қулайлиги, оз сонли лашкар билан катта қўшинга муваффақиятли равишда қаршилиқ кўрсата олиши туфайли мустаҳкам сифатга эга “Темир дарвоза” номини олган.

Жиззах ўрдаси. Жиззах ўрдаси воҳанинг энг улкан ва қадимги шаҳар ёдгорлиги Қалиятепадан 6 км шимолий-ғарбда, Сангзор дарёсининг ўнг қирғоқ ҳавзасида, ҳозирги Жиззах шаҳрининг «Эски шаҳар» деб аталган мавзесида жойлашган. Ўрда жойлашган ер ўзининг текислиги, кенглиги, унумдорлиги ва Сангзорга нисбатан нишаб томонда жойлашгани билан бир қатор қулайликларга эга.

Оқсоқолларнинг сўзларига қараганда ўрданинг маҳобатли мудофаа деворлари, ҳандақлар ўрни, сатҳига пишган, «мусулмон ғишт» (квадрат шаклидаги) терилган ҳовуз, бир неча масжид ва кўчалар ўрни, ўтган XX асрнинг 30 – 40 йилларида ҳам сақланиб турган. 1950 – 70 йилларда амалга оширилган пахта майдонларини кенгайтириш ва шаҳар ҳудудини ободонлаштириш ишлари сабабли ўрданинг аксарият қисми, арқдан ташқари мудофаа истехкомлари ва шахристони текислаб юборилган.

Ўрда кўрғони фаолиятининг сўнгги босқичига оид топографик план ва унга дахлдор бир қанча фотосуратлар топилган. Фотосуратлардаги ўрданинг умумий кўриниши, маҳаллалар, узок планда мудофаа деворларининг кунгурадор устки қисмлари, арча ёғочидан ясалган дарвозалар тасвирлари сўзимизнинг исботидир.

XVI асрдан бошлаб ўрданинг мавқеи ва мақоми ошади. Энди ўрда нафақат ҳарбий қароргоҳ, балки маъмурий марказ, тинч аҳолининг қишқи

турар-жойи, савдо-сотик, ҳунармандчилик, маданият макони сифатида фаолият кўрсатади.

XVIII аср ва XIX асрнинг 60-йилларига қадар Жиззах, хусусан, ўрда Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги, қисман Ўратепа беклиги ўртасида талаш бўлган, катта жангтоҳга айланган манзил сифатида характерланади.

Ўрда атрофидаги мавзеларда деҳқончилик, чорвачилик ривожланади. Деҳқон ва чорвадор халқлар учун ўрда маъмурий, маданий марказ бўлиб хизмат қилади.

ЖИЗЗАХ ҚЎЗҒОЛОНИ

XVIII асрдан XIX асрнинг 60-йилларига қадар Жиззах еру мулк талашган ҳукмдорларнинг жангу жадалларига гувоҳ бўлган, миллий озодлик ҳаракати, ноҳақ тузумга қарши улкан жангтоҳга айлангани маълум.




Октябрь тўнтаришидан кейин бутун Ўзбекистонда бўлганидек Жиззахда ҳам давлат хўжаликларини ташкил қилиш тадбирлари бошланди, ер, сув ислоҳот



кўмиталари тузилди. Энди ўзини ўнглаб олаётган ўртаҳол деҳқонлар ерлари тортиб олиниб, коллектив хўжаликка бериш, ўзларини кулоқ қилиш оммавий тус олди. Деҳқонлар жамоа хўжаликларига мажбурий тарзда қабул қилинди, маҳаллий аҳолидан чиққан билимдон, ишбилармон кишиларга ҳокимият бошқарувидан ўрин берилмади, раҳбарлик лавозимлари

Россиядан келган кишиларга улашилди. Марказдан келган қизил аскарлар халқнинг мол-мулкни таладилар, қаршилиқ қилганларга тазйиқ ўтказилди. Оқибатда Жиззах халқининг бир қисми қўлига қурол олиб, ҳақсизликка қарши кураш бошлади. Ғаллаорол, Фориш, Жиззах туманларида Октябрь тўнтаришидан кейин турмуш шароитлари ёмонлашгани, оддий фуқаролик ҳуқуқлари оёқости қилингани, оилани боқиб турган қорамол, от-уловларни қизил аскарлар, маҳаллий ҳукумат органлари тортиб олганига қарши норозиликлар кучая борди. Жиззах воқеасида "босмачилик" номи билан миллий озодлик ҳаракатига фуқаролар орасида жуда катта ҳурмат-этиборга



эга бўлган Муродбек, Хайруллабек, Галлаоролда Мулла Тўхтамиш, Мулла Мусток, Мавлонбой Искандаров, Эргашбой, Форишда Худоёр пошша, Махдихўжа, Бахмалда Мулла Турсун бошчилик қилдилар.

Чор Россияси зулмидан сабр косаси тўлган, император Николай II нинг фармониға кескин норозилик билдирган шаҳар аҳолисининг кўзғолонида халқнинг оловқалб фарзандлари Абдурахмон Абдужаббаров, Назирхўжа Абдусаломов, Зиё қори Абдуллаев, Муҳаммадраҳим Абдурахимов, Комил қори Бобожон ўғли, Муҳиддин Хўжаев ва жасур жиззахликлар эрк ва озодлик, мислсиз матонатнинг мангу тимсоллари бўлиб эл ёдида қолдилар.

ОЗОДЛИК ТИМСОЛЛАРИ

30-йилларнинг ўрталарига келиб пахта мустақиллиги учун кураш муносабати билан янги кадрлар тайёрлашга эътибор сусайтирилди, юзлаб кишлоқларнинг деҳқонлари янги ерларга зўрлаб кўчирилди. Жиззахлик кўзга кўринган зиёлилар “миллатчи”, “жосус”, “ёт унсурлар ҳомийси” деган тамға билан турли тазйиқларга дучор бўлдилар.



30 – 40 йиллардаги катағонларнинг конли тўфони раҳбар ходимлардан Ориф Олимжонов, Байза Миразимов, Турсунхўжа Валихўжаев, Ризоқул Йўлдошев, Ҳайдарқул Йўлдошев, Урдушбек Салимов, Абдуқаҳҳор Ботирбеков, Бозорқул Турсункулов, Муртазо Ҳайдаров, Худоёр Шодибеков, Ҳожимамат Қурбонов, Азим Сафарбеков, Мирзасалим Раҳимов сингари ёзувчи ва фан арбоблари қурбон бўлдилар.

“Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолур халқ” деганларидек, ўтда ёнмас ва сувда чўкмас халқ самандардек тирилаверади. Халқнинг яна бир ардоқли фарзанди, Жиззах кўзғолони иштирокчиси Ҳайдарбек Абдужаббаров билимдонлиги ва ташкилотчилиги, раҳбарлик салоҳияти билан танилган, Фарғонада аҳоли осойишталигини сақлаш вазифасида, Жиззах шаҳар партия қўмитаси мусулмон бюросида фаолият кўрсатган, Жиззахда кишлоқ хўжалиги, халқ маорифи ва маданиятини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган. Кейинчалик Москва саноат академиясини муваффақиятли тугаллаб, Тожикистон Халқ Комиссарлари Совети қошида доимий вакил сифатида фаолият кўрсатган. 1932 йилда

Тошкентда тўқимачилик комбинати қурилгач, Ҳайдарбек Абдужабборов комбинатга бошлиқ этиб тайинланади. Машҳур чех ёзувчиси Юлиус Фучик 30-йилларда юртимизга келганида Ҳайдарбек Абдужабборов билан учрашган ва у ҳақда ватанига қайтгач, шундай ҳикоя қилган эди: “У цех бўлимларида юриб, гамхўр ота сингари ёш ўзбек йигит-қизларига техника сирларини ўргатади, уларга маслаҳатлари билан ёрдам беради”.

1936 йили декабрда фидоий ва тажрибали раҳбарга тухмат уюштирилади. Ҳайдарбек ота юртига келиб, қариндошлари билан юз кўришади, бир пиёла чой устида суҳбатлашади. Бу суҳбат ва дийдорлар унга ва қариндош уруғларига, дўстлари ва ҳамқишлоқларига жуда қимматга тушади. Абдужабборов Тошкентга қайтгач, “халқ душмани” сифатида ҳибсга олинади. У билан дийдорлашган ҳамқишлоқлари ва қариндошлари ҳам қамоққа олинади, тазйиққа дучор бўлади, кўпчилиги отишга ҳукм қилинади. Аслида Абдужабборов Жиззах туманида ҳеч қандай контрреволюцион миллий ташкилот тузмаганини ҳамма биларди.

Ҳайдаркул Йўлдошев, Ҳайдар Ҳазраткулов, Ризокул Йўлдошев, Очил Одилов, Амирбек Абдужабборов, Қодир Давронов, Абдулла Юсупов, Имомкул Ғафуров, Исоқ Раҳмонкулов, Зиёвуддин Мўминов, Ўрол Шокиров, Музаффар Юсупов, Жўрабек Муродов каби бегуноҳ кишилар қамоққа олинадилар. 1957 йили Ўзбекистон Олий суди уларга нисбатан қўзғатилган жиноий ишни бекор қилди, уларни оқлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Аслини олганда бу сиёсий қатағон ҳаракати республикани иқтидорли раҳбар ходимлардан маҳрум қилиш, шафқатсиз жазо чоралари ёрдамида халқни кўрқув асоратида сақлашга қаратилган эди. Зулм ва зўравонликларга асосланган жамиятнинг барча чора-тадбирлари тагида ягона мақсад бор эди: ташкилотчи ва истеъдодли кадрларни бадном қилиш, йўқ қилиш, миллат зиёиларининг оёғига болта уриш.

Бўлиб ташлаб, ҳукмронлик қилишнинг ҳадисини олган мустабид тузум яловбардорлари ўзбек халқини миллий истиқлол йўлидан чалғитиш, оқ-корани таниган, вужудида миллий ғурур ва орият уфуриб турган фидоий инсонларни жисман йўқ қилиш мақсадида шафқатсиз қатағон сиёсатини кўллади. Бу сиёсат Жиззахнинг турли миллат ва элатларга мансуб 238 нафар фарзандини турли жазоларга маҳкум этди.

Таниқли ижодкор Анқабой Худойбаҳтов ҳам шу машъум сиёсатнинг қурбони бўлди. Маълумки, Анқабой Худойбаҳтов матбуот, драматургия ҳамда радиода самарали фаолият олиб борган серқирра истеъдод эгаси эди.

Ўзбекистон Радио комитети раиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хайъат аъзоси, бир неча газета ва журналлар муҳаррири ва таҳрир хайъати аъзоси сифатида меҳнат қилган бу инсон даврга тик боқувчи, миллатпарвар, инсонпарвар ижодкор эди. У шўролар ҳукуматининг тазйиқига қарамай Жиззах кўзғолони воқеаларини “Шодмон” драмасида тасвирлаб, сахнада ижро этишга эришди. Шунингдек, у машҳур адиб Абдулла Қодирийнинг замонавий мавзудаги “Обид кетмон” асарига муҳаррирлик қилди. Афсуски, Анқабой Худойбаҳтов авжи ижодий кучга тўлган бир даврда, навқирон 33 ёшида қатағон қилинди. 1937 йилнинг августида НКВД томонидан ҳибсга олиниб, бир йилдан зиёд давом этган тергов жараёнидан сўнг отувга ҳукм қилинди.

Қатағон қурбонларидан яна бири 1898 йилда Жиззахнинг Тошкентлик маҳалласида туғилган Орифжон Олимжоновдир. У бор-йўғи 39 йил яшади. Лекин шу қисқа ҳаёти давомида анча-мунча нуфузли вазифаларда ишлаб, ўзининг юксак ташкилотчилик ва раҳбарлик салоҳиятини намоён эта олдики, бутунги авлод ундан ибрат олса арзийди.

Орифжон Олимжонов Жиззах шаҳар партия комитети раҳбари, Сурхондарё вилоят партия комитети маданият ва санъат бўлими мудир, Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми директори, Тошкент шаҳар ва вилоят халқ таълими бошқармалари бошлиғи лавозимларидаги самарали меҳнати билан катта обрў-эътибор қозонди. Истеъдодли раҳбар, маориф ходими, журналист Орифжон Олимжонов 1931 йили “партияга кираётганда отаси “қулоқ” лигини айтмаганликда” айбланиб ҳибсга олинади. Қамоққа олинган вақтда у Бекобод тумани ижроия комитети раиси ўринбосари сифатида фаолият олиб бораётган эди.

Мустақиллик байрамидан бир кун олдин қатағон қурбонлари хотираси ёд этилганида халқимиз уларнинг хотираси олдида бош эгиб, сукут сақлайди. Жиззахликлар “Шаҳидлар хотираси” хиёбонини зиёрат этишганида уларнинг номларига ҳам дуои фотиҳа қиладилар.

ИККИ ДИЛ ДОСТОНИ

Урушдан кейинги ғоят оғир йиллар халқ учун яна бир синов вазифасини ўтади. Қакраган чўлда янги хўжаликлар, фабрикалар, заводлар, мактаблар, маиший объектлар қурилишлари бошланди.



Ўша даврнинг машхур кишилари сафида баҳор ва бахт куйчиси Ҳамид Олимжоннинг ҳам борлиги қалбга алоҳида ифтихор бахш этади. Ўзбек мумтоз адабиёти билимдони бўлган бобоси Мулла Азимнинг айтиб берган халқ эртаклари, онаси Комила аянинг бўлажак шоирнинг таълиму тарбияси билан тинимсиз шуғулланиши ижодкор қалбида бадиий ижод ва адабиётга катта ҳавас уйғотди.

Ҳамид Олимжон ўзи таҳсил олаётган Самарқанд педагогика билим юрти ёш қаламкашлар тўрағида ҳам, 1927 – 1930 йилларда “Зарафшон” рўзномаси бўлим мудирлиги вазифасида ҳам, 1928 – 1931 йилларда Самарқанд Педагогика академиясида ҳам (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети), 1939 йилдан умрининг охириги дақиқаларигача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилганида ҳам оташқалб шоир, юксак маънавият тарғиботчиси сифатида фаолият кўрсатди.



Ҳамид Олимжон ҳақида гапирганда шоирнинг “Кўклам” (1929 йил), “Тонг шабадалари” (1932 йил), “Ўлим ёвга” (1942 йил), “Зайнаб ва Омон”, “Ойгул билан Бахтиёр”, “Семурғ”, “Икки қизнинг ҳикояси”, “Ота ҳаётидан” шеърий тўпламлари, пьеса ва балладаларидаги ёниқ сатрлар ҳаёлимизга келаверади. У ҳассос ижоди, мохир ташкилотчилиги билан элнинг назарига тушган нодир инсон эди. Суронли уруш йилларида сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш ишларига раҳбарлик қилгани бунга мисол бўла олади.

Ҳамид Олимжон халқимизнинг ардоқли шоираси, муҳаббат ва садоқатнинг мангу тимсоли бўлмиш Зулфияхоним билан 1935 йилда турмуш қурди. Таниқли адабиётшунос Наим Каримов шундай хотирлайди: “Ҳамид Олимжон ниҳоятда табиатни севган, яшиллик шайдоси бўлган. Турмуш

ўртоғи Зулфия билан дам олиш кунлари 2-трамвайнинг охирги бекатидан тушиб, яшилликлар сари опикар эканлар. Куни билан табиат бағрида бўлиб, кечга яқин уйга қайтишар экан. Икки ёш боласи Хулкар ва Омоннинг тарбияси билан шуғулланаётган Зулфия опа учун ҳам тиним кунлари ғоятда мароқли ўтар экан.

Уларнинг тўйлари муносабати билан Зулфия опанинг оналари ўз қўллари билан тиккан катта, қуёшнусха сўзана совға қилганларида Ҳамид Олимжон сўзананинг кавикларини қўли билан силаб туриб, “Бу сўзана менинг уйимга нур ва фариштани етаклаб келди” деб завқланиб сўзлаган эканлар. Ўша йилларда Ишчилар шаҳарчасида ишчилар, саноатчилар билан бир қаторда зиёлиларга ҳам уй-жой қуриш учун ер ажратилади. Ҳамид Олимжонга ажратилган ер майдонига ҳали қурилиш бошланмасдан шoirнинг ўзи қатор мевали дарахтларнинг кўчатларини экадилар. Уй битгандан сўнг кўчиб киришгач, ҳовлида бир қучоқ гулдек яшнаб, гуллаб ётган ўрик дарахтини кўриб завқланиб “Ўрик гуллаганда” шеърини ёзадилар”.

Ўзбекнинг яна бир ардоқли шоири Муҳаммад Юсуфнинг “Минг шoirнинг бир шеъри Ҳамид Олимжоннинг “Ўзбекистон” ига тенг келмайди дейилган халқона гапида ҳақиқат борлиги аён. Адабиёт аҳли шoirнинг “Ўрик гуллаганда” шеърини Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлари” даражасига тенглаштиришганида ҳам ҳассос шoirнинг ижоди залворини топиб айтишган.

Шoirнинг умр йўлдоши Зулфияxonим 35 ёшли Ҳамид Олимжонни тупроққа топширганида ҳам, икки гўдакни бағрига босиб, тарбиялаганда ҳам шoirнинг ўтли сатрларини давом эттирганида ҳам йиқилмади, буқилмади, синмади. “Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам”, “Бир ёнимда Хулкар, бир ёнда Омон”, “Келтирардинг менга бир замон, энди ҳар чоғ мен элтаман гул”, “Мен ўзбекнинг Зулфиясиман”, “Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали” деб хитоб қилганида ҳам кўз олдидан Ҳамид Олимжоннинг порлоқ руҳи, самимий сатрлари кетмади. Шунинг учун ҳам ЗУЛФИЯ ўзбек аёлларининг садоқат, вафо ва ҳаё тимсоли бўлиб тарихда қолди.

Шoirанинг “Ҳаёт варақлари” (1932 йил), “Темирой” (1934 йил), “Шеърлар”, “Қизлар кўшиғи” (1939 йил), “Уни Фарҳод дер эдилар” (1943 йил), “Ҳижрон кунларида” (1944 йил), “Хулкар” (1947 йил) тўпламлари, “Ўйлар” (1965 йил), “Висол” (1972 йил), “Йиллар, йиллар...” (1975 йил), “Лолақизгалдоқ” (1975 йил) шеърый китоблари, “Қуёшли қалам” (1975 йил) достони садоқат ва вафонинг тирик ҳайкали, ўзбек онасининг беназир рамзи

сифатида халкнинг ифтихорига айланди. Шунинг учун ҳам оналар қайси оилада қиз фарзанди дунёга келса Зулфиянинг шарафли номи билан аташни орзу қиладилар.

Жиззахга келган зиёли ижодкорлар Зулфияни Жиззахнинг келини деб меҳр билан таърифлайдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ўзбек аёлининг жамиятдаги идеал тимсоли сифатида Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этдилар. 2015 йилда мамлакатимизда Зулфия таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди.

СОВУҚ УРУШ ХАБАРИ



Иккинчи жаҳон уруш ҳақидаги машъум хабар Ўзбекистоннинг ҳамма ерларида бўлганидек Жиззахда ҳам яшин тезлигида тарқалди.

Немис-фашист босқинчиларининг тинч халқ устига бостириб кириши ана шу бепоён кенгликларда яратувчилик меҳнати билан шуғулланаётган кишиларнинг ҳам тинч турмушини бузди. Жиззахда халқ хўжалигини фашистларга қарши кураш мақсадларига қаратиш ишлари амалга оширилди. Халқ юрт озодлиги ва шарафини ҳимоя қилиш учун жангга отланди.

Урушнинг биринчи кунларидан бошлаб ҳарбий комиссариатларга ўзларини фронтга жўнатишларини сўраб минглаб аризалар тушди, юзлаб жиззахликлар босқинчиларга қарши қўлига қурол олдилар. Жиззахлик жангчилар фашизмни тор-мор келтириш учун Москва, Ленинград, Смоленск, Одесса, Севастополь ва бошқа шаҳарлар ҳимояси, Прага, Варшава, Белград, Вена шаҳарларини озод қилиш, Берлинни забт этиш учун бўлган жангларда жасорат кўрсатдилар. Ўрол Аҳмедов, Холмат Жўраев, Михаил Айрапетов, Ҳалил Арслонов, Саидхалил Алимов, Семён Иванов Ленинградни ҳимоя қилишда, Тихон Долганов, Насим Салимов, Низом Салимқулов, Жўра Шобўтаев, Арслон Султонов, Пётр Батурин Варшавани озод қилишда, Ғаффор Янгибоев, Александр Кучеров, Иван Банников, Елена Никулина Берлинни қўлга киритишда қаҳрамонона жанг қилганликлари учун орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Жиззахлик Жўракул Тўраев урушга қадар жамоа хўжалигида колхозчи бўлиб ишларди. Урушнинг дастлабки кунларида кўнгилли бўлиб урушга кетди. Фашистларга қарши жангларда фаол иштирок этиб, ўзбек жангчисига хос жасорат кўрсатди. Белоруссия учун бўлган жангларда 46-енгил артилерия бригадасининг мергани сифатида жанг қилди.

Пароховшин қишлоғи ёнидаги жангда душманнинг 12 та танкини, “Фердинанд” типидagi иккита ўзинорар тўпини ишдан чиқариб, бир қанча фашистни қириб ташлади. 1943 йил 17 майдаги ҳукумат фармонида асосан унга “Уруш Қаҳрамони” унвони берилди.

Уруш йилларида жаззахлик шоир, ёзувчи, драматург ва публицистлар қатор ёрқин ва даъваткор асарлар яратдилар. Ўзбекистон халқ шоири Ҳамид Олимжоннинг “Қўлингга қурол ол”, “Шарқдан Ғарбга кетаётган дўстга”, “Жангчи Турсун”, “Роксананинг кўз ёшлари” асарлари шулар жумласидандир.

Давлат ва жамот арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг “Қаҳрим” шеърлар тўпламида фашизм кирдикорлари фош этилиб, ғалабага ишонч куйланади, бу эса халқнинг ғалабага бўлган жанговар руҳини кўтаришга хизмат қилди. Шароф Рашидов 1941 йили ҳаракатдаги армия сафига қақрилиб, сиёсий ходим сифатида иш олиб борди, 1942 йилда оғир жароҳатлангач, армия сафидан бўшатилди.

Ўзбекнинг ардоқли олимларидан бири Азиз Қаюмов: “Шароф Рашидовнинг ўзи менга урушда еттига ўқ еганлигини айтган эди”, деб хотирлайди бир учрашувда.

Таниқли ёзувчи Сарвар Азимов, болалар ёзувчиси Шукур Саъдулла, Насрулла Охундий, Қосимжон Ҳошимовлар ҳам уруш йиллари халқни Ватан ҳимоясига чорловчи асарлар ёздилар.

Воҳа аҳли уруш йилларида ўзларининг фидокорона меҳнати билан муаззам ғалабани яқинлаштирдилар. Ватан учун жангу жадалларда қурбон бўлган халқ халоскорларининг номлари абадийлаштирилди. Ватан ва халқ олдидаги фарзандлик бурчини ўтаган, ҳар бир соҳанинг юксалиши йўлида хизмат қилган аجدодларимиз жасоратини давом эттириш, улар васиятига содиқлик жаззахлик ёшлар учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Беш йил давом этган машаққатли урушнинг ғалаба билан тугалланиши келажакка қатта умид уйғотди. Жиззахликлар бутун куч-ғайратларини озойишта ҳаёт маромини тиклашга, иқтисодиётни тинч ҳаётга

мослаштиришга, уруш оқибатларини бартараф этишга сафарбар этдилар. Вазифа ниҳоятда мураккаб эди. Бу йилларда саноатни, халқ хўжалигининг бошқа гармоқларини ривожлантириш пахтачилик манфаатларига бевосита боғлиқ қилиб қўйилди ва у “пахта учун кураш” нинг таркибий қисмига айлантирилди. Бир нечта пахта тозалаш заводлари, ёғ-мой ишлаб чиқаришга асосланган комбинатлар қурилди.

Ўша даврларда Жиззах чўлини ўзлаштириш бош вазифага айланди. Кейинроқ 50-йилларнинг охирларида Жанубий Мирзачўл канали ишга туширилиши муносабати билан Мирзачўл адоғидаги Жиззах чўлини ўзлаштириш оммавий тус олди. Жиззах чўлига А.Саркисов номли Жанубий Мирзачўл канали орқали Сирдарё суви чиқарилди.

Мирзачўл ва Жиззах чўлини ўзлаштиришни амалга оширишда умумхалқ ҳаракатига бевосита бошчилик қилган, ўз куч-ғайратини, билим ва тажрибасини ишга солган инсонлар ҳақида гап кетганда чўлни боғу бўстонга айлантирган Шароф Рашидов, Акоп Саркисов, Сеит Тоиров, Ҳамрокул Носиров, Хидир Халилов, Камол Азимов, Саодат Санакулова, Искандар Шодиев, Ғанишер Юнусов, Абдужалил Темуров, Кинабек Укубов, Турсунбой Латипов, Оппоғой Рустамова, Соибжон Назаров, Лолахон Эрбутаева, Соли Отамуродов, Назира Йўлдошева, Қўзибоқар Синдаров, Ўктам Иброҳимов, Қодиркул Султонов, Ашир Хидиров, Эргаш Холматов, Абиркул Иброҳимов, Николай Комаров, Эркин Носиров, Эркин Турсунов, Расул Ҳайдаров, Собиржон Сиддиқов, ака-ука Мамажон ва Тўлан Дадажоновлар, Аҳмаджон Валиев, Ўриш Мажидов, Абдуғани Илашев, Ўктам Олимов, Муқим Ҳасанов, Азизхон Носиров, Абдуназар Турдиев, Эгамберди Ботилов, Неъмат Эрназаров, Саттор Усмонов, Умарқул Жўракулов, Қулмирза Қамбаров, Суярқул Тўйчиев, Абдусаттор Абдулатипов, Собир Абдусатторов, Шукур Муҳаммадиев, Руёб Маматова, Азиз Эргашев номини фахр билан тилга олиш лозим. Чўлда шинам посёлкалар, шаҳарчалар бунёд этиш, касалхона, мактаблар, болалар боғчаси ва бошқа маиший объектлар яратиш борасида мана шу азиз инсонларнинг шижоати ва меҳнати фаровон ҳаётга қўйилган дадил қадам бўлди.

ЧИН ИНСОН ҚИССАСИ



Урушдан кейинги ғоят оғир йиллар халқ учун яна бир синов вазифасини ўтади. Қакраган чўлда янги хўжаликлар, фабрикалар, заводлар, мактаблар, маиший объектлар қурилиши бошланди.

Мана шу йилларда мамлакатни моҳирона бошқарган, донишманд сиёсатчи Шароф Рашидовнинг номини нафақат жиззахликлар, балки бугун Ўзбекистон алқи гурур ва ифтихор билан тилга олади. Болалик чоғлариданок ҳаёт ва ақдирнинг кўп синовларига дучор бўлган, тирикчиликнинг аччиқ-чучугига ам, иссиқ-совуғига ҳам бирдек дош берган иродаси букилмас бу инсон устамлака сиёсат исканжасида туғилди, яшади, ижод қилди, эл-юрт аровонлиги йўлида фаолият юритди.

Шароф Рашидов иккинчи жаҳон урушининг дастлабки ойларидаяқ Ўрунзе (ҳозирги Бишкек) пиёдалар ҳарбий билим юртини тезлаштирилган астуру асосида тугатиб, кўнгириллар сафида Калинин фронтига жўнаб кетди. 1941 йил декабрда Москва остоналаридаги жангларда, шимоли-ғарбий фронтта, ундан сўнг Волхов фронтига жўнатилди. 38-гвардиячи дивизия аталёон комсомол бюроси секретари сифатида жасорат кўрсатиб, Қизил Олдуз ордени билан мукофотланди. 1942 йилнинг охириларида чап кўлидан ғир ярадор бўлган Шароф Рашидов Свердловск (Екатеринбург) областининг 'евда шахрида узоқ даволангандан сўнг тиббий кўрикда ҳарбий хизматни авом эттириш учун яроқсиз деб топилди, ярадорлик унинг юрагида асорат олдирган эди. Бу асоратдан у умрининг охиригача қийналиб юрди. Бу ҳақда 'сил Рашидов: «Ака-ука Шароф ва Саҳоб Рашидовлар айни киёмат-қойим руш даврида — 1942 — 1944 йилларда ҳаракатдаги армия сафида, қонли жангларда қатнашишган ва жанг майдонидан ярадор бўлиб қайтишган», деб слайди.



Шароф Рашидов урушдан қайтиб, ўзи ўқиган Жиззахдаги 8-мактабда директор, кейинрок Самарқанд область газетаси муҳаррири, 1944 йил июлида Самарқанд область партия комитети секретари лавозимида фаолият кўрсатади. Ўша даврларда Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари бўлиб

ишлаган Носир Маҳмудов Шароф Рашидовнинг ташкилотчилиги, ёш бўлса ҳам мохир ташкилотчи эканини эътиборга олиб, унга устозлик қилади.

Шароф Рашидов ўша давр ижодкорлари каби ўзи гувоҳ бўлган урушни лаънатлайди, инсоннинг жасорати ва фидойчилиги улуғланган шеърлар ва ҳикоялар ёзади, 1944 йилда ғалабага бағишланган илк китоби – “Қаҳрим” шеърлар тўпламини нашр эттиради, шу йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлади.

Самарқанд партия комитетининг секретари лавозимида фаолият юритган Шароф Рашидов Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштиришда, Фарҳод ГЭСи қурилишида иштирок этаётган самарқандликлар қаторида жонбозлик кўрсатади. Ишда жонқуярлиги, тиниб-тинчимаслиги билан мамлакатнинг ўша пайтдаги раҳбари Усмон Юсуповнинг назарига тушади.

Ўттиз ёшли фидойи раҳбар ва адиб Ўзбекистон Коммунистик партиясининг марказий органи «Қизил Ўзбекистон» (1964 йилдан «Совет Ўзбекистони») газетасига бош муҳаррир этиб тайинланди.

1949 йил мартда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг X съездида Шароф Рашидовни «Қизил Ўзбекистон» газетасининг бош муҳаррири вазифасидан озод қилиш масаласи кўтарилди. Бироқ Ўзбекистон Компартиясининг биринчи секретари Усмон Юсуповнинг Шароф Рашидовга нисбатан ижобий муносабати муаммони тўғри ҳал қилиш имконини берди.

Шароф Рашидов 1949 йили Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг раиси этиб сайланди, Ғафур Ғулом ва Ойбек сингари академик ёзувчиларга раҳбарлик қилди, таниқли ёзувчи Шукруллонинг эслашича, муҳит анча мураккаб бўлган Ёзувчилар уюшмасини маҳорат билан бошқара олди.

1950 йил апрелда Ўзбекистон ССР Олий Советининг 21 августда бўлиб ўтган сессияси Шароф Рашидовни Олий Совет Президиумининг раиси лавозимига тасдиқлади. Шу кундан Шароф Рашидовнинг давлат раҳбари сифатидаги фаолияти бошланди.

Ўзбекистон харитасида Навоий ва Зарафшон, Янгиер ва Гулистон каби ўнлаб шаҳарларнинг барпо бўлиши Ўзбекистон истиқлолига хизмат қилган бўлса, Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро кинофестивали мунтазам ўтказилиб турилгани у инсоннинг давлат ва жамоат арбоби сифатида ўзбек халқини дунёга танитишда хизматлари беқиёс эканини исботлайди.

Шароф Рашидов бошчилигида халқ фаровонлиги йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди: республикани электрлаштириш ва газлаштириш масалалари яхшиланди, уй-жой, маданий-маиший иншоотлар қурилиши кўпайди, халқ фаровонлиги анча ошди. Тошкент шаҳрида катта қурилиш ишлари, айниқса 1966 йилги зилзиладан сўнг амалга оширилди, 1977 йили минтақада биринчи бўлиб Тошкент метрополитени ишга тушди. Ш.Рашидов ташаббуси билан 1962 йили Олмалиқ мисни бойитиш фабрикаси, 1967 йили Мурунгов олтин кони ишга туширилди, Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари қурилди, республикада рангли металл ишлаб чиқаришга асос солинди. Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати, Ангрен, Чодак, Маржонбулоқ олтин саралаш фабрикалари қурилди.




Шароф Рашидов республикада фан ва маданиятни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Тошкент шаҳрида академиклар шаҳарчаси, университетнинг янги бинолари мажмуаси, Тошкент тиббиёт институти шаҳарчаси, Цирк биноси каби кўплаб бинолар у кишининг раҳбарлик даврида қурилди. Халқлар Дўстлиги саройи меъморий мажмуаси учун қурилиш ғоясининг муаллифи ва ижодий раҳбари сифатида унга 1994 йил (вафотидан сўнг) Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти берилди. У киши билан бирга елкама-елка меҳнат қилган уста пахтакорлар ҳали хануз Шароф отани эҳтиром билан эслайдилар.

Шароф Рашидов нафақат ижтимоий соҳада, балки адабиётнинг кенг ва курашчан саҳнасида ҳам ўз қаламининг кучи ва қудратини кўрсата олди. Унинг “Икки дил достони”, “Қашмир қўшиғи” асарлари халқ бадий тафаккури қуёшини ёритган ишқу вафодан сўзласа, “Ғолиблар”, “Бўрондан кучли” романлари даврлар талотўпида юзма-юз турган замондош ёшлар образи билан ўзбек адабиётини бойитган.

Газета муҳаррирлигидан мамлакат раҳбари даражасигача бўлган умри мобайнида эл-юрт равнақи йўлида тиниб-тинчимай меҳнат қилган бу табарруқ инсоннинг пок номи Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуслари билан яна тикланди.

Шароф Рашидов ҳақида у кишини таниган ва учрашган одамлар бениҳоя ҳурмат билан эшлашади.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган курувчи Ўриш Мажидов ҳикоя қилади: “Мирзачўл ва Жиззах чўлларини ўзлаштириш мобайнида, ўтган ўн беш йиллик меҳнат фаолиятимда Шароф Рашидов билан кўп маротаба учрашишга муяссар бўлганман. Ўзбекнинг ардоқли ёзувчилари Назир Сафаров ва Асқад Мухторнинг Шароф Рашидов ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашганимда, ҳар йили Жиззах чўли пахтакорлари билан ўтадиган курултойлардаги табрикларини эшитганимда мамлакат раҳбарининг оддий чўлқуварларга бўлган самимий муносабатларининг гувоҳи бўлганман.

Мирзачўл ва Жиззах, Қарши чўллари, Сурхон – Шеробод массивлари, Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг янги ерлари, Бухоронинг Қоровулбозори, Маликчўл, Ўрта Чўл массивлари, Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш, йирик каналлар ҳамда Туямўйин, Андижон, Чорвоқ, Жанубий Сурхон, Тилимаржон, Тўполон, Ҳисорак каби ўнлаб сув омборларини куриш борасидаги мислсиз меҳнат бевосита Шароф Рашидов раҳбарлигида олиб борилгани ва бу долзарб меҳнат жараёнида бирга ишлаган дўстларим айтиб берган воқеалар ҳеч ёдимдан чиқмайди.

Мухтарам Юртбошимизнинг Шароф Рашидовнинг юз ёшли юбилейини ўтказиш ҳақидаги таклифлари барча юртдошларимиз қатори жиззахликларга ҳам ўзгача кайфият ва кўтаринкилик бағишлади”.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ақром Иномов шундай ёзади: “Инсоният яралибдики, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги мувозанатни сақлашнинг имконини тополмаяпти. Гоҳида бунга ҳаёт қонунияти дея жавоб беришга ўрганганмиз. Аммо ҳар бир инсоннинг қилган хайрли ишлари, айниқса эл-юрт олдидagi бурчларига садоқат билан ёндашиб, минглаб хаста кўнгилларни обод қилган эзгу амаллари абадиятга муҳрланиб қолаверади. Бундай мисолларни ҳар қанча ҳаракат қилманг тарих саҳифаларидан олиб ташлашнинг имкони бўлмайди. Уларга қанчалик шафқатсизлик қилманг замонлар ўтар ўзининг ёрқин жилоларини нур каби намоён этаверади. Обрўсига обрў, ҳурматига ҳурмат ошаверади. Бир сўз билан айтганда зулмат қаърида бўлса ҳам олтиндек товланиб кўзингизни қамаштираверади.

Атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов шахсига ҳам ана шундай муносабатда ёндашсак айни ҳақиқатни айтган бўлардик.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ташаббуслари билан бу табаррук инсоннинг юз ёшлик юбилейларининг нишонланиши, ҳайкал ўрнатилиши, Жиззах туманига Шароф Рашидов номини бериш тўғрисидаги таклифлари мамлакатимизда ўтганларнинг порлоқ руҳини доимо шод этишдек ўзбекона қадриятларимиз, урф-одатларимизнинг тантанаси сифатида баралла янграшига имконият яратди”.

СИНМАГАН ҲАҚИҚАТ

Ўзбекнинг кўнгли пахтадай оқ, пахтадай юмшоқ, юраги осмондай мусаффо. Ўтган асрнинг 80-йилларида бошланган аввал “пахта иши”, кейинроқ “Ўзбеклар иши” деган машъум ном остида ҳалол меҳнатни оёқости қилган СССР бош прокурорининг 200 кишидан иборат тергов гуруҳи Жиззахнинг Нормухаммад Худойбердиев, Нажим Ҳамроев, Йўлдош Зоҳидов, Парда Исмоилов, Мустафоқул Умрзоқов, Мирзааҳмад Йўлдошев, Асрор Эргашев сингари юзлаб асл фарзандларининг ҳаётига зомин бўлди, оилаларига азоб берди. Бу инсонларнинг номи Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан оқланди.


Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, дунёда “Ўзбек модели” деб тан олинган ривожланиш йўлини ишлаб чиққан, аграр ва қолоқ республикани улкан индустриал давлатлар қаторига кўтарган Биринчи Президентимизнинг Жиззахда олиб борилган бунёдкорлик ишларига берган баҳолари, халқнинг беназир фарзандлари номларини тиклаганлари, иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги улкан зафарларга йўллаганлари халқнинг хотирасидан ўчмайди.

ТАБАРРУК ҚАДАМЖОЛАР

Жиззах азиз-авлиёлар, илму урфон соҳиблари, маънавиятимизнинг буюк пирлари юрти саналади. Буни Жиззах заминидан макон топган улуғлар шарафига қурилган меъморий ёдгорликлардан билиб олса бўлади. Манбаларга таяниб, ана шундай ёдгорликлар, у ерда мангу кўним топган азиз-авлиёлар ҳақида маълумот беришни лозим топдик.

Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи

Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи Ғаллаорол туманининг Авлиё кишлоғида жойлашган.



Саъд ибн Абу Ваққос пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг улуғ саҳобаларидан биридир. У киши Макка ашрофларидан бўлмиш Абу Ваққоснинг ўғли бўлиб, Муҳаммад алайҳиссаломга пайғамбарлик келган пайтда навкирон ёшда бўлганлар. Пайғамбар алайҳиссалом даъватлари билан ислом динига киради ва кейинчалик етук саркардалик хислатларини намоён қилади. У зот ҳижратнинг 16-йили халифа Умар ибн Хаттобнинг Форс ва Мовоуннаҳр ўлкаларига юборган қўшинига лашкарбоши этиб тайинланади. Ҳозирги Авлиё кишлоғи яқинида бўлиб ўтган бир жангда яраланиб, синчилоғи (жимжилоғи) узилиб тушади, хонақоҳ ўрнига қони тўкилади. Саркарданинг синчилоғини (жимжилоғини) қишлоқнинг шимол томонидаги қабристонга кўмишади (бу ерда чоғроқ хонақоҳ бор), табаррук зотнинг қони томган қўл бўйига яқин жойда ҳам хонақоҳ бунёд этилади. Бир бармоғидан ажралиш Саъд ибн Абу Ваққосинг соғлиғига кўп таъсир этмайди, албатта. У зот кейинчалик Арабистонга қайтиб кетиб, узоқ умр кўрадилар.

Ғаллаоролдаги Авлиё ота кишлоғида Саъд ибн Абу Ваққос (р.а.) отанинг синчилоғи (жимжилоғи) ўз қўллари билан дафн этилган бўлиб, бу манзилда муборак қадамжо мавжуд.

Ўсмаат ота зиёратгоҳи

Ўсмаат ота зиёратгоҳи ва унга номи берилган аллома, ўрта асрлар мусулмон Шарқининг машхур олимларидан биридир.

Олимнинг тўлиқ исми – Абулфатҳ Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн Усмандий Самарқандий бўлиб, унинг туғилган ва вафот этган йили ҳақида манбаларда маълумотлар турлича келтирилган. Баъзи манбаларда “Аллома 408/1017 йилда Самарқандда туғилиб, 502/1109 йилда шу ерда вафот этган”, деб келтирилса, кўпчилик манбаларда “У 488/1095 йили Самарқанд қишлоқларидан бири “Усманд”да таваллуд топиб, 552/1157 йилда 64 ёшида вафот этган”, дейилади. Манбаларда “Абулфатҳ Муҳаммад ибн Абдулҳамид ибн Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Ҳамза Усмандий, Самарқанд аҳлидан бўлиб “Оламнинг устун” сифати билан машхурдир”, деб келтирилади.

Алломанинг отаси Абдулҳамид ибн Умар Усмандий Самарқанднинг етук олимларидан саналиб, сўзга чечанлиги ва моҳир ваъзхонлиги билан ҳам халқ орасида танилган. Тўлиқ исми – Абу Муҳаммад Абдулҳамид ибн Умар ибн Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Ҳамза ибн Тоҳир Усмандийдир.

Ҳадис илмини эса “Садр уш-шаҳид” лақаби билан машҳур бўлган Умар ибн Абдулазиз ибн Моза Бухорийдан ўрганган.

Алоуддин Муҳаммад Усмандий араб тилида ижод этган ва биз авлодларга улкан илмий-маънавий мерос қолдирган. Улардан маълум бўлганлари ҳақида қисқача маълумот:


“Ҳаср ул-масоил ва қаср уд-далоил” (Муайян масалалар ва қисқа далиллар). Бу асар Нажмиддин Умар Насафийнинг “Ал-манзума фи илм ил-хилоф” номли китобига ёзилган шарҳ бўлиб, алломанинг мазкур асарига кўпгина шарҳлар ёзилган.

“Тариқат ул-хилоф фи-л-фикҳ байн ал-аиммат ил-аслоф” (Ўтган алломалар ўртасида фикҳ илмидаги ихтилофлар). Бу асарда Усмандий фикҳ илмида фаолият кўрсатган кўшлаб олимларнинг қарашлари ва фикр-мулоҳазаларидаги ихтилофларни баён қилган.

Алломанинг “Ат-таълиқа фи-л-фикҳ” (Фикҳ илмида изоҳ) номли асари фикҳ илмининг фуруъ (тармоқлари) масалаларига бағишланган бўлиб, у бир неча жилддан иборат бўлган йирик асардир.


“Ал-амолий фи-т-тафсир” (Тафсир илмида имло қилинган масалалар), манбаларга кўра бу асар Қуръони Каримга бағишланган тафсирдир.

Новқа ота зиёратгоҳи



Бахмал туманининг жанубий-шарқида, Туркистон тоғ тизмалари этагидаги Новқа қишлоғининг кўҳна “Новқа ота” қабристонининг ёнгинасида, Новқа ота зиёратгоҳи жойлашган. Маҳаллий аҳоли ўртасида зиёратгоҳнинг пайдо бўлиши тўғрисида қуйидагича ривоят бор: “Балх шаҳридан йўлга чиққан бир туя хомиладор аёлни олиб келиб шу

жойга чўкади. Бола туғилиб, тирноқлари билан ерни тирнаса, сув сизиб чиқади ва бола балиққа айланиб кетади...”



Мазкур зиёратгоҳ ҳудуди қадимда зардуштийлик динининг маросимлари ўтказиладиган жой бўлган. Чунки шаҳарсозлик маданияти тўғрисидаги маълумотлар шундан дарак берадики, маълум бир ҳудуд шаҳар деб аталадиган бўлса, унда, албатта, ибодатхона бўлган. Новқа ота зиёратгоҳига туташ қадим қабристон ҳудудида эрамизнинг бошларига оид тош соатларнинг ҳозиргача сақланиб қолганлиги, демакки, шаҳар бўлганлиги ва унда зардуштийлик ибодатхонаси жойлашганлигига ишора.

Хўжамушкент ота зиёратгоҳи

Хўжамушкент ота зиёратгоҳи Янгиобод туманида жойлашган. Ушбу зиёратгоҳ туманнинг Хўжамушкент қишлоғи ҳудудида бўлиб, маҳаллий аҳоли мазкур зиёратгоҳни Хўжа ибн Исоқ исмли авлиё номи билан боғлайди. Зиёратгоҳ ҳудудида Хўжа ибн Исоқнинг рамзий қабри устига ўрнатилган хонақоҳ, ҳудуди тахминан 0,2 гектарни ташқил этувчи тор йўлақлар орқали бирдан бирига ўтувчи ҳар хил катталиқдаги ғор ва бир нечта булоқлар жойлашган.

Маҳаллий аҳоли ўртасида шу вақтгача аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган, зиёратгоҳни пайдо бўлиши ва муқаддас қадамжого номи берилган Хўжа ибн Исоқ шахси билан боғлиқ бир қанча қараш ва ривоятлар мавжуд.

Зиёратгоҳда шифобахш булоқлар ҳам бор. Бу жойдаги булоқларнинг ҳар бирининг ўз номи бор. Ниятбулоқ, Иситмабулоқ, Қўтирбулоқ, зиёратчилар ўз дардларига шифо истаб, фарзандли бўлиш мақсадида ушбу булоқлар сувидан ният қилиб ичишади ва олиб кетадилар.

Ушбу зиёратгоҳ жойлашган қишлоқнинг номи ҳам Хўжамушкентдир. Халқнинг эътирофича “Хўжа ибн Исоқ ғорни мушти билан урган ва ғор пайдо бўлган” шу боисдан қишлоқ ва зиёратгоҳнинг номи “Хўжамушкент”дир. Бу сўз учта сўзнинг бирикувидан ҳосил бўлган бўлиб, қуйидагича ифодаланади: “Хўжа” – ҳурматли, обрў-эътиборли киши, бирор кимсанинг ёки нарсанинг эгаси, хўжайин. 2-таъриф – ўзларининг чорёрларнинг авлодлари деб ҳисобловчи мусулмонларнинг фахрий номи, унга қўшилган “муш” сўзи мушкулқушод сўзининг қисқартмаси,

Мушкулкушод – кийинчиликларни ҳал қилиш, бартараф этиш маъносини беради.

Кўк тўнли ота зиёратгоҳи

Мазкур зиёратгоҳ Жиззах шаҳридан 55 километр, Зомин шаҳарчасидан 5 километр чамаси узоқликда, Зоминдан тоғ оша Бахмалга томон борадиган тоғ йўлининг шундайгина ёқасида жойлашган.

Кўк тўнли ота “Кимки шу туфрокқа бир таёқ сукса ёки бир уруғ қадасаю, кўкармаса ва ё унмаса, мен зоминман, мен зоминман, мен зомин!” деган машҳур иборанинг эгаси сифатида талкин этилади.

Республикамининг жуда кўп жойларида “Кўк тўнли ота” зиёрат манзиллари мавжуд. Бизнингча, ушбу зиёратгоҳ Хожа Аҳмад Яссавийнинг қутлуг қадами етган жой ёки у кишининг машҳур авлодлари мангу кўним топган манзил ҳисобланади.

Парпи ота зиёратгоҳи

Парпи ота зиёратгоҳи, кўҳна карвон йўлларининг устида жойлашган Моргузар тоғининг ёнбағридаги Парпи ота ва Ялпоқбош қишлоқлари туташган масканда жойлашган. Халқ томонидан эъзозлаб келинадиган бу тарихий жойдан Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг ҳам ўтганлиги “Бобурнома”даги маълумотларда акс этади. “Бобурнома”да келтирилган Чўбар ошуви деб аталувчи қишлоққа ҳам шу жойдан йўл бор.

“Парфи” сўзи араб тилида “оқ” маъносини билдириб, “Парпи ота” – “оқ ота”, “оқ кийимли ота” ёки “оқ ниятли ота” каби маъноларини билдиради.

Парпи ота зиёратгоҳи ҳам юртимиздаги бошқа зиёратгоҳлар сингари ўзида қадимги ривоят ва афсоналарни мужассам этган. Айтишларича, зиёратгоҳдаги тешиктошда гуноҳкорларнинг гуноҳидан поклайдиган сеҳр бор эмиш.

Тешиктошга туташтириб қурилган хонақоҳ, айвон ва алоҳида масжид биносига эга бўлган мазкур зиёратгоҳни ихлос билан зиёрат қилиш натижасида мушкулларнинг қушод бўлиши, дардига даво сўраганларнинг соғлиги тикланиши, фарзанд тилаганлар оналик бахтига муяссар бўлишига ишонч асрлар мобайнида шаклланиб келган. Бу муқаддас қадамжони зиёрат қилиш – аждодлар анъанасига содиқлик сифатида маҳаллий халқ томонидан асосли тарзда қабул қилинган.

Кулписар ота зиёратгоҳи

Кулписар ота зиёратгоҳи ўзбек ва қозоқ халқларининг муқаддас қадамжоларидан бири ҳисобланади. Зиёратчилар бу ерга аجدодлар руҳини хотирлаш, баҳор фаслида чорвадорлар учун йилнинг яхши келиши ва йил давомида оила аъзоларининг соғ-саломат бўлиши учун қурбонлик қилишиб, яратгандан мадад истаб келадилар.

Бу муқаддас қадамжо Шароф Рашидов туманининг Шароф Рашидов номли жамоа ҳўжалиги ҳудудида жойлашган. Зиёратгоҳда хонақоҳ, масжид, археологик ёдгорликлар ўрни, қалъалар қолдиқлари ва қўҳна қабристон мавжуд.

Маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, зиёратгоҳдаги 12 – 13 метрли қабр зиёратгоҳнинг “Кулписар ота” деб ном олишига сабаб бўлган. Айтишларича, “Кулписар” атамаси “қулфлаб қўмилган бош” деган маънони англатар экан. Ривоятларга кўра, “Қадим замонларда бутга, оловга сигинганларнинг исми номаълум подшоши гаразли мақсадда ўз аскарларига авлиёнинг бошини олиб келишни буюради. Аскарлар отанинг бошини танасидан жудо қилиб, олиб кетишаётиб, ҳозирги “Кулписар ота” зиёратгоҳининг ўрнига келган пайтда, кечаси шу ерда тунаб қолмоқчи бўлишибди.

Бу ерда биргина уй бўлиб, унда ниҳоятда эътиқодли кекса бир кампир ўзининг олти-етти нафар фарзанди билан яшар экан. Саҳар пайти таҳоратга чиққан аёл ухлаб ётган аскарлар ўртасида кесилган одам бошини қўриб қолибди. Жонсиз бошга осмондан нур ёғилиб турар, у эса тинимсиз калима қайтарар эмиш. Ҳайратда қолган кампир ўғилларини уйғотиб: “Бу аскарлар кароматли авлиё одамнинг бошини олиб кетишаётганга ўхшайди, уни олиб қолмасак бўлмайди!”, – дебди. Шунда кампирнинг ўғилларидан бири бошини беришга рози бўлибди. Кампир ўғлининг бошини олиб бориб авайлаб ҳалиги бошга алмаштирибди-да, сандикка солиб қулфлаб қўйибди. Аскарлар кетганидан сўнг кампир ўғлининг танасига авлиёнинг бошини яқинлаштирганида мўъжиза юз бериб, бош танага бирикиб қолади ва шу ернинг ўзига дафн этилади”.

“Кулписар ота” каби зиёратгоҳлар миллий маънавиятимизни янада сайқал топишига, ўзбек ва қозоқ халқларининг азалий дўстлик алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

ИСТИҚЛОЛ МЕЪМОРИ



Аждодларимиз томонидан қўп асрлардан буён яратиб келинган улкан, бебаҳо маънавий ва маданий мерос, муқаддас динимиз, миллий урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни асраб-авайлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг замирида халқнинг маънавий баркамоллигини таъминлашдек улғуният бор эди.

Демократиянинг умумэътироф этилган кадриятлари ҳамда миллий кадриятлар муганосиблигига эришилди. Демократик ислохотлардаги тадрижийлик ва изчиллик кафолатланди.

Халқаро майдонда юртимизнинг нуфузини ошириш, ўзбек номини жаҳонга таранум этиш истиқлол меъмори, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Етуқ давлат арбоби халқини бир қошиқ қон тўқмасдан озодликка олиб чиққани муқаддас Ўзбекистоннинг камолотида ёрқин из қолдиради.

Ҳазрат Соҳибкирон Амир Темур “Бизнинг қудратимизга шубҳа қилганлар биз қурган иморатларга боқсинлар” деганди. Ўзбек моделининг шиддати улкан бунёдкорлик мамлакатига айланган Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшасида мағрур бўй кўрсатиб турибди.

Ислом Каримов айтганидек “Жаҳон кенг, дунёда мамлакатлар қўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз якка-ю ягона”.

Бетакрор юртнинг буюк келажаги йўлида катта меҳнат қилган инсоннинг номи халқимиз юрагининг тўрида сақланади.

МУСТАҚИЛЛИК ОДИМЛАРИ

Қадимий юрт шажарасининг теран томирлари не-не сиру синоатларга, воқеаларга гувоҳ бўлмаган. Икки минг йиллик тарихга эга Жиззах музофоти халқининг бошидан нималар ўтмади. Араблар истилосига қадар Устуршонанинг йирик шаҳарларидан бири бўлган воҳа тақдирнинг қанчадан қанча синовларига бардош бериб, ўзининг миллий анъаналари, азалий қадриятларини сақлаб қола олди.

Истиқлолгина бу қадриятларни юзага чиқарди. Жиззах халқи истиқлолни чинакам саодат ва байрам сифатида кутиб олди. Воҳа улкан қурилишлар майдонига айланди. Ҳар соҳада янгиланиш, ривожланиш, тараққиёт зафарларига интилиш давом этди.

Истиқлол сабаб бу диёрда қатор маданий – маиший бинолар қад кўтарди. Ўн минг томошабинга мўлжалланган спорт мажмуаси бунёд этилди, “Эски шаҳар” ва “Кўк бозор” деҳқон бозорлари реконструкция килинди, Навоий ва Мустақиллик кўчалари, “Жиззах” махсус индустриал зонасига олиб борадиган йўллар тўлиқ таъмирланди, муҳташам вокзал биноси қад кўтарди.

1998 йилда қаторасига уч йил сув танқислиги юзага келди. Ўша даврлардаги вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёевнинг саъй ҳаракати билан тарихда биринчи марта Жиззах учинчи магистрал канали қурилиши давом эттирилди, насос станциялари каскади орқали мавсум давомида 36 млн. кубометр ҳажмидаги Сирдарё ва Зарафшон сувлари Жиззах сув омборига тўпланди. Суғориладиган майдонларни шўрланишдан сақлаш, ҳосилдорликни ошириш мақсадида юзлаб экскаваторлар билан ер ости сизот сувларини чиқариш, коллектор, дренаж системаларини тозалаш бўйича мисли кўрилмаган ишлар бажарилди. Мана шу файзиёб меҳнат Жиззах чўлида пахта ва ғалла, полиз, мева экинларидан мисли кўрилмаган ҳосил олишга катта замин яратди, пахта ҳосилдорлиги бир ярим баробарга, суғориладиган майдонлардаги ғалла ҳосилдорлиги икки, икки ярим баробарга кўтарилди. Бу даврда қатор маиший объектлар, маҳалла гузарлари, кенг ва раvon кўчалар, спорт иншоотлари, ўқув даргоҳлари, йирик корхоналар қад ростлади.

Вилоятнинг биринчи раҳбари ёшлар орасида спортнинг ўнлаб турларининг оммалашишига катта ҳисса қўшди. Ўша вақтда Марказий

Осиёда ягона Жиззах олимпия заҳиралари спорт коллежига тамал топи қўйилиши ёшларнинг анъанавий спортга бўлган қизиқишини оширди, ўнлаб спорт турларини оммалашишига сабаб бўлди.

Энг муҳими, жиззахлик ёшлар халқаро мусобақаларда 59 та олтин, 51 та кумуш, 67 та бронза медални қўлга киритдилар. Юлдуз Ҳамрокулова, Лазиз Зокиров, Хуршид Тожибоев, Марина Хмелевская, Зуфар Қодиров, Ёқутхон Холбекова каби шижоатли ёшларнинг ғалабалари чинакам байрамга айланиб кетди.

Юртимизда биринчилардан бўлиб Жиззах шаҳрида қад ростлаган Маҳалла ва Ёшлар Маркази ҳар бир байраму тадбирнинг, элнинг орзу ҳаваслари, ёшларнинг қатор танловлари, зафарларига бешик бўлди.

Натижада вилоятдаги истеъдодли ёшларнинг 36 нафари Алишер Навоий, 25 нафари Абу Райҳон Беруний номидаги давлат стипендиялари соҳиблари бўлдилар.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосчиси ва муаллифи Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг халқона, адолатли меҳнатлари халқнинг онгу тафаккури уйғонишида, эртасидан кўнгли тўқлигида ўз ифодасини топмоқда.

Қўрдингизми, “Бир инсоннинг саботи бутун бир миллатни ислоҳ қилишга қодир” деганларида Фитрат бобомиз нақадар ҳақ эдилар.

2017 – 2021 йилги вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси Дастурига асосан вилоятда 2017 йилнинг ўзида қарийб уч ярим триллион сўмлик уч мингдан зиёд қувватлар ишга тушади. Бу ёшлар учун йигирма уч мингга яқин кафолатланган иш ўрни дегани.

Мана шу бекиёс ташаббусларнинг беш йиллик кўламини кўз олдингизга келтириб кўринг-а!

Вилоятда мавжуд 11 376 нафар фермер хўжаликларининг умумий ер майдони 517,5 минг гектарни ташкил этгани ҳолда пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, узумчилик, сабзавот-полизчилик, чорвачилик, пиллачилик, балиқчилик, паррандачилик, теричилик соҳасида қатор лойиҳаларга қўл урилганлиги эл дастурхони тўкин бўлишига хизмат қилади.

Янгидан тоқзорлар ташкил этиш, мева-сабзавотларни қайта ишлашга ихтисослаштирилган, иссиқхоналар ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган самарали тадбирлар истиқлол берган улуғ имкониятлардир.

Қишлоқ хўжалик ходимлари ўтган йили 196,3 минг тонна пахта хом ашёси, 221,6 минг тонна бошоқли дон, 614 тонна пилла хом ашёси, 48 минг тонна мева, 181,3 минг тонна сабзавот, 19,5 минг тонна картошка, 17,9 минг тонна узум, 1 млн 295,0 минг тонна ғўшт, 13 234 тонна сут, 225 тонна жун, 7 070 дона қорақўл тери, 173 тонна асал, 15,0 млн дона тухум, 1 562 тонна балиқ етиштирдилар.

Шароф Рашидов туманидаги “Мавлон ота” фермер хўжалиги Греция давлатидан олиб келинган ярим пакана олма, гилос, шафтоли кўчатларини томчилатиб суғориб, 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 10 тоннадан мева ҳосили олаётган бўлсалар, Бахмал туманидаги “Мадинабону Аҳмаджон” фермер хўжалиги 77 гектар ер майдонига Ғолден Деоишс ва Кремсон навли ярим пакана олма ҳосилини сақлаш учун 350 тонна сиғимга эга бўлган совутгич омбор курганлари, Мирзачўл туманидаги “Тузкон Фиш” балиқчилик корхонаси эса Айдар кўлдаги 8800 гектар табиий сув майдонини узоқ муддатга ижарага олиб, ўтган йилнинг ўзида 55 тонна балиқ маҳсулотлари етказиб берганлиги, Ғаллаорол туманидаги “Сангзор парранда” корхонаси ишчиларининг парранда сони 223 минг 700 та бўлгани ҳолда ҳар куни товۇқ ва тухум маҳсулотларини етиштириши, Шароф Рашидов туманидаги “Чақмоқ” фермер хўжалигининг 125 бош чорва моллари ҳисобидан ҳар йили 500 тоннадан ортиқ сут ва сут маҳсулотлари етказиб бераётганлари, ҳар йили 20 – 22 тоннадан тоза асал етказиб бераётган “Омон Зомин асали” фермер хўжалиги ишчиларининг меҳнати мустақиллик яратган шарт-шароитларнинг юқори самарасидир. Элнинг дуосини олаётган бу кўли қадоқ, тиниб тинчимас тадбиркорлар борлиги туфайли Жиззах элининг дастурхонлари бекаму кўст, тўй-томошалари бисёр.

Шу ўринда устоз-шогирд анъаналари давоми сифатида ташаббус кўрсатаётган миллий ҳунармандчилик вакилларининг ноёб маҳоратлари ёш авлодга ўзига хос ибрат мактаби ҳисобланади. Унутилиб бораётган миллий кадриятларимизнинг санъатдаги кўринишлари бой маънавий меросимиз жавоҳирларидир.

Форишнинг Қизилқир адирларида ҳар йили нишонланаётган “Халқ ўйинлари” республика фестивали маданият, санъат, миллий қадриятлар байрами сифатида тилга олинади.

Жиззахнинг “Зебомхон”, Зоминнинг “Сайқал”, Ғаллаоролнинг “Таштак” фольклор этнографик ансамбллари репертуаридаги воҳага хос таронаю хонишлари нафақат вилоятнинг байраму танатаналари, балки Болгария, Германия, Польша давлатларида ҳам мухлисларини топган.

АДАБИЁТ ЯШАСА – МИЛЛАТ ЯШАЙДИ

Халқимизда “Адабиёт яшаса миллат яшайди” деган пурҳикмат гап бор.



1996 йилда Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббусига биноан бошланган ёш ёзувчиларнинг анъанавий Зомин семинари ўн йил давомида ўзбек адабиёти зарварақларига янги номлар ва ёрқин асарларни олиб кирди. Қатор назм ва наср дурдоналари Ўриклисойда ёзилди, адабиётнинг Зомин мактаби яратилди. Семинар иштирокчиларининг йиғирма уч нафари Зулфия мукофотиغا сазовор бўлгани, етмиш саккиз нафари Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилингани ўша вақтлардаёқ мамлакатимиз раҳбарининг адабиётга, мутлоаага берган эътибори натижасидир.

Бу эзгу мақсад-муддао бутун юртимизда китобхонликка давлат даражасидаги эътиборнинг муқаддимаси эди.

Жиззах халқ оғзаки адабиёти дурдоналари, дostonлару термалар, мақоллару маталлар, эртақлару афсоналар яралган ўлка.

Ўзбек халқнинг сеvimли шоири Ҳамид Олимжоннинг дostonларида шоирни улғайтирган адабиёт ҳақидаги сеҳрли сатрларни китобхонлар ёддан билади. Жиззах вилояти қадимдан илм-фан намояндалари, алломалар ва ижодкорлар камол топган юрт. Бу заминда Ўрта асрларда шайх Абул Ҳасан Ҳарақоний (950 – 1034), Абу Тала ибн Наср ибн Жундабек Ал-Уструшоний, Поянда Заминий, Соки Заминий каби ислом маърифати ва фикҳ илмига улкан ҳисса қўшган алломалар яшаб ўтганлар. XIX – XX асрларда Махмур Коризий, Убайдуллоҳ Аламқаш, Нарзулло Нарзий, Иномжон Манжур сингари ижодкорлар бой адабий мерос қолдирганлар. XX аср ўзбек адабиёти ривожидида Жиззахда туғилиб ўсган Ҳамид Олимжон, Шароф Рашидов, Назир

Сафаров, Шукр Саъдулла, Сарвар Азимов каби адабларнинг улкан ҳиссаси бор. XX асрнинг охирида Жиззахдан Тўра Сулаймон, Келди Қодир, Жонибек Қувноқ, Эргаш Муҳаммад, Саъдулла Ҳаким, Рустам Ғаниев, Асрор Мўминов, Оқилжон Ҳусанов, Назиржон Баракаев, Шарофат Ботирова, Саттор Қорабоев, Иброҳим Дониш, Туроб Мақсуд, Мели Норматов, Фароғат Камолова каби ижодкорлар ўз маҳоратлари билан адабий жамоатчиликка танилдилар. Икром Искандар, Шоди Отамурод каби шоирлар бугунги кунда фаол ижод қилаётган истеъдод эгаларидир. Жиззахдан Маъмура Ёқубова, Юлдуз Зоирова каби ёш ижодкорлар адабиёт соҳасида Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлдилар. Жиззахлик ёш шоира Чарос Ёқубованинг биринчи китоби Ёзувчилар Уюшмаси ҳузуридаги “Ижод” жамоат фонди ҳомийлигида нашр этилиб, устозлар назарига тушди. Давлатимизнинг адабиёт, бадиий ижодга кўрсатаётган юксак эътибори шарофати билан Жиззахдан кўплаб ёш истеъдодлар етишиб чиқмоқда.

Ҳозир эса сизга Жиззах адабиётининг улуг дарғалари ҳақида фахр билан сўзламоқчимиз:



Назир Сафаров – Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, уруш қатнашчиси. Самарқандда қишлоқ ўқитувчиларини тайёрлаш курсини тугатгач, Жиззах ва Метан (ҳозирги Иштихон) туманларида ўқитувчилик қилган, Жиззах уезд маориф тизимида, “Қизил Ўзбекистон” газетаси бўлим мудири, “Ишчи” газетаси ва Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб, адабий маслаҳатчи, Ўзбекистон Давлат нашриётида, Тошкент киностудиясида директор вазифаларида меҳнат қилган. Илк мақолалар тўплами – “Янги турмуш учун кураш” (Зиё Саид билан ҳамкорликда), “Қора кунлар кўланкаси”, “Унутилмас кунлар” тўплamlари, “Тарих тилга кирди”, (Зиё Саид билан ҳамкорликда). “Уйғониш”, “Шарқ тонги” пьесаларида “Жиззах кўзғолони”, Ўзбекистонда шўролар тузуми ўрнатилиши акс эттирилган. Сафаров “Ҳаёт мактаби”, “Кимга тўй, кимга аза”, “Лукаш ботир” (Ё.Худойқулов билан ҳамкорликда) каби пьесалар муаллифи.

“Очерклар” тўплами, “Олияхон Султонова”, “Ҳадича Ахророва”, “Қатта қарвон йўлида”, “Узоқни кўзлаган қиз”, “Инсон изи” сингари қисса ва очерклари, “Кўрган-кечирганларим” автобиографик қиссаси ва “Наврўз” романлари кенг китобхонлар назарига тушган.



Шукур Саъдулла – болалар шоири, драматург. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. Самарқанд педагогика билим юртида ва Педакадемиянинг филология факультетида таҳсил олган. Ўзбекистон давлат нашриётида муҳаррир ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий консультант вазифаларида фаолият кўрсатган. “Хайкирик”, “Сен, нима қилдинг?”, “Шоҳиста”, “Ширин кун”, “Улуғ шаҳар”, “Бизнинг байрам”, “Кўкбулоқ”, “Оҳанграбо”, “Дастёр қиз”, “Озода” асарлари муаллифи. Шукур Саъдулла ўзбек халқ эртаклари сюжети асосида “Ёрилтош” мусиқали драмаси ва либреттосини яратган. Уруш йилларидаги болалар ҳаётига бағишланган “Бизнинг жангчи”, “Гулхан” пьесалари Республика ёш томошабинлар театрида сахналаштирилган. “Далада байрам” комедияси эса кўплаб театр сахналарида қўйилган. А.С.Пушкин, Л.Толстой, С.Маршак, С.Михалков ва бошқа рус ёзувчилари асарларини ўзбек тилига таржима қилган.



Сарвар Азимов – ёзувчи, жамоат арбоби. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, филология фанлари доктори. Ўрта Осиё давлат университетини тугатган. Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтида илмий ходим, сектор мудири, директор ўринбосари лавозимларида ишлаган. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Кўмитаси фан ва маданият бўлими мудири Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви биринчи котиби, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири, Ўзбекистон Республикаси Министрлар Совети раиси ўринбосари ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири. Собиқ СССРнинг Ливандаги, Покистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси лавозимларида фаолият олиб борган. “Қонли сароб”, “Юлдузлар жамоли”, “Замон драмаси” қиссалари, “Камалак”, “Икки дил – икки олам”, ҳикоялар, киносценарийлари муаллифи.

Ёзувчи Оқилжон Ҳусанов – 1932 йилнинг апрелида Жиззах туманининг Равотлик қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Самарқанд дорулфунунида таълим олган. Самарқанд вилоят газетаси «Ленин йўлида» мусахҳих, масъул котиб лавозимида фаолият кўрсатган, “Муштум” журналида адабий ходим, бўлим мудири, масъул котиб бўлиб меҳнат қилган. Қатор йиллар “Шарқ юлдузи”,



“Гулистон” журналларида турли лавозимларда ишлаган.

“Кўшиқчининг тақдири”, “Самарқанд булбули”, “Меҳри дарёлар”, “Бўлмаганга бўлишма”, “Қашқар гўзали”, “Тоғда ўсган бола”, “Тоғда ўсган бола ёхуд жияннинг янги саргузаштлари”, “Сирли одам”, “Булбулнинг гўшти”, “Тақилмаган узук”, “Бахт қаерда?”, “Қишлоққа саёҳат”, “Учолса ҳам учолмаган турна”, “Устанинг муҳаббати”, “Тўрўғли қиссаси” каби асарлари муаллифи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвони билан тақдирланган.

Тўра Сулаймон – Ўзбекистон халқ шоири (1999).

1934 йилнинг 15 февralида Бахмал туманида таваллуд топган. ТошДУнинг ўзбек филологияси факультетини тугатган. Иш фаолияти давомида “Гулистон”, “Сирдарё ҳақиқати” газеталарида ходим, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлимида масъул котиб, адабий маслаҳатчи бўлган. “Истар кўнгил”, “Қорасоч”, “Мен қайга борар бўлсам”, “Жаҳонгашта”, “Ҳамқишлоқларим”, “Интизор”, “Сирдарё кўшиқлари”, “Илтижо”, “Алҳазар”, “Тўйбоши”, “Сизни эслайман”, “Қорақўзгинам”, “Гулшан”, “Сарвиноз”, “Харсанг”, “Жаҳоннома”, “Гул бир ён, чаман бир ён”, “Ёвқочди”, “Сайҳон”, “Мамлакатнинг таянч нуқтаси” китоблари нашр этилган.



Назиржон Баракаев – “Жиззах болалари”,



“Олқиш”, “Фахрия” тўпламлари орқали китобхонларга таниш бўлган шоир Ғаллорол туманидаги қатор мактабларда таълим берди, “Коммунизм сари” (ҳозирги “Жиззах овози”) газетасида адабий ходим, бўлим мудир, муҳаррир ўринбосари, “Сирдарё ҳақиқати” вилоят газетасида маданият бўлими мудир, Жиззах вилоят партия кўмитасида мафкура бўлимининг мудир, Зарбдор тумани газетасининг бош муҳаррири сифатида фаолият кўрсатди. Бугунги кунда шоир таҳсил олган мактаб ва шаҳар кўчаларининг бирига Назиржон Баракаев номи берилган.

Саъдулла Ҳаким – Фориш тумани Гараша қишлоғида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тугатган.

“Ўзбекистон социал таъминоти” журналида муҳбир, масъул котиб, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”



газетасида назм ва наср бўлими муҳрири, масъул котиб, “Совет Ўзбекистони” (хозирги “Ўзбекистон овози”) газетасида адабиёт ва санъат бўлими муҳрири, “Маърифат” газетасининг бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот маркази раҳбари, Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директор ўринбосари, “Туркистон-пресс” Ахборот агентлиги Бош директори, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳаррири лавозимларида меҳнат қилган.

“Ҳамал тонглари”, “Сен кутган баҳор”, “Ёз оқшоми”, “Она сўз”, “Сайланма”, “Кўнгил юзи”, “Кўҳна нақл” шеърӣ китоблари нашр қилинган.

“Сайланма” китоби учун “Энг улуғ, энг азиз” Республика танлови ғолиби бўлган. Пушкин, Гёте, Лермонтов, Есенин, Юнус Эмро каби шоирларнинг асарларини таржима қилган. Маънавий ҳаётимизга оид “Эсимда қолган кунлар”, “Атом қаърига саёҳат” каби публицистик асарлари адабий жамоатчилик назарига тушди. “Оқсарой” манзумасида истиқлолимиз ва давлат бошқаруви рамзига айланган Оқсарой қароргоҳи тарихий-замонавий нуқтаи назардан муштарак образ сифатида тараннум этилса, “Бола ботир” достонида бадий сўзнинг улкан мақсадлар ва мустаҳкам эътиқод йўлидаги ўрни, аҳамияти тиниқ образлар воситасида очиб берилади.

Айниқса унинг тарихий қаҳрамонликни улуғловчи “Олис юлдуз” достони мухлислар эътиборига тушди. Достонда шоирнинг адабий – фалсафӣ концепцияси, олам билан одамни яхлит уйғунликда кўриш, тасвирлаш йўсини ўзига хос тарзда ифода этилади.

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони билан тақдирланган.



Акрам Иномов – “Жиззах овози” шаҳар ва туман газетасининг бош муҳаррири.

Самарали меҳнати учун “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” фахрий унвони, 2008 йили “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотланган.

Унинг ташаббуси билан 18,5 минг аҳоли истиқомат қиладиган Равот қишлоғи, 10,4 минг аҳоли яшаётган Қаҳрамон қишлоғи, Кулписар маҳалласи тўлиқ газлаштирилди ва ичимлик суви билан таъминланди. Қулама қишлоқ фуқаролар йиғини худудидан ўтган уч

километрлик масофадаги марказий кўчани асфальтлаштиришни режага киритди ва бу масала ниҳоясига етказилди.

Унинг ташаббуси билан аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида бўш турган объектлардан фойдаланиш, қишлоқ кўчаларини асфальтлаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, вилоятдаги касалхоналарни иқтисослаштириш, чўл ҳудудларидаги аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва улар негизда кичик корхоналарни ташкил этиш каби масалалари ўз ечимини топомқда.

Ғаллаорол туманидаги “Маржонсув” санаторийси, Жиззах шаҳридаги Етимтоғ ҳудудида “Истиқлол болалар боғи”, “Зиёкор” кишлоғи ҳудудида “Жиззах” санаторийси, шаҳарда бўш ётган 86 гектар майдонда боғ-роғлар, “Ўрда экологик боғи”, қаровсиз ётган тоғ бағридаги “Боғи шамол” дам олиш оромгоҳларининг бунёд этилишида Ақром Иномовнинг катта ҳиссаси бор.

ИЛМИ ЁРУҒ ИНСОНЛАР

Орифжон Икромов – Самарқанд давлат университети тил ва адабиёт факультетини имтиёзли диплом билан битириб, ўзбек адабиёти кафедраси ҳузуридаги аспирантурага ўқишга кирди. Ориф Икромов “Шоир Амин Умарийнинг ижоди” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ориф Икромов университетнинг тил ва адабиёт кафедрасида доцент, факультет декани бўлиб ишлади. Қарши давлат муаллимлар тайёрлаш институти, Самарқанддаги Садриддин Айний номидаги муаллимлар тайёрлаш институтларида фаолият юритди.



Ўктам Орипов – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, Россия тиббиёт академияси аъзоси, Абу Райҳон Беруний номидаги давлат мукофоти соҳиби. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари, Тошкент тиббиёт институти ректори, госпитал жарроҳлиги кафедраси ўринбосари, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг илмий ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази бошлиғи вазифаларида хизмат қилган.

1972 йил 14 сентябрда Ўзбекистонда биринчи марта буйрак кўчириш бўйича жарроҳлик амалиётини амалга оширган.

Ўктам Орипов раҳбарлигида 26 та докторлик ва 65 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Сайёра Рашидова – кимёгар олима. Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор. Ўзбекистон Фанлар Академияси полимерлар кимёси ва физикаси институти директори. Молекуляр бирикмалар кимёси — полимерлар занжирида кечадиган кимёвий реакциялари борасида илмий изланишлар олиб борган. Олима раҳбарлигида йўналтирилган кимёвий модификацияли биологик фаол полимерлар, доривор препаратлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини олиш учун юқори молекулали моддаларни танлашнинг назарий асослари, қишлоқ хўжалиги экинлари (ғўза, шоли, қанд лавлаги) уруғларини экишга тайёрлашда биологик фаол полимерларни қўллаб қопсулалашнинг экологик зарарсиз технологиялари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили лавозимида фаолият олиб борган, “Дўстлик”, “Эл-юрт ҳурмати” орденлари билан мукофотланган.



Абдугани Холбеков – Тошкент Давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университети) ни тугатган.



Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультетида социология кафедраси катта ўқитувчиси, доценти, факультет декани муовини лавозимларида хизмат

қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси доценти, бошқарув социологияси ва психологияси кафедраси мудири, 2005 – 2009 йилларда Академиянинг ўқув ишлари бўйича проректори лавозимларида меҳнат қилган. “Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг социологик таълимоти”, “Умумий социология” ўқув дарсликлари, ҳаммуаллифликда нашр этилган. “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда”, “Миллий гоя ва раҳбар масъулияти”, “Демократик гоялар ва ижтимоий адолат”, “Фалсафа: қомусий лугат”, “Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати” каби қатор рисоалар, монография ва ўқув қўлланмалари муаллифи.



Ўрол Носиров – Самарқанд давлат университети ўзбек ва тожик филологияси факультетини битирган.

Қарши давлат педагогика институтида катта ўқитувчи, 1974 йилдан Жиззах давлат педагогика институтида кафедра мудири, факультет декани лавозимларида фаолият кўрсатди.

Ўрол Носиров кенг қамровли олим сифатида ҳам ҳурмат топди. Унинг “Ижодкор шахс ва бадиий услуб”, “Образларда услуб жиловлари”, “Жиззах вилояти” (ўзбек, рус, инглиз тилларида), “Таъзим”, “Жиззахнинг жаннат булоқлари”, “Маҳалла – фуқаролик жамиятининг асоси”, “Жиззахдан айтар сўзим” каби асарлари, Жиззах вилояти ҳақида “Қанот қоқа бошлаган Хумо” телефильми, “Элим деб, юртим деб ёниб яшайлик”, “Истиқлол – ислохот – бунёдкор ҳаёт” каби плакатлар жамланмалари, маънавий тарғиботчилари учун мўлжалланган “Сизнинг ёдномангиз”, “Президент Исом Каримов: Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик учун”, “Ўзбеклар шажараси” монографиялари, “Этироф” киносценарийси муаллифи. “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотланган.

САНЪАТИМ – САОДАТИМ

Орифхон Ҳотамов – Ўзбекистон халқ ҳофизини, Жиззах вилоятида таваллуд топган.



Орифхон Ҳотамов устоз санъаткор Жўраҳон Султонов ижро мактабида тарбияланган ва ижоди билан алоҳида ижрочилик услубини яратган ижодкор созанда, хонанда ва бастакордир.

Ёшлигидан муסיкий соزلарга меҳр қўйиб ижрочиличини ўрганган. Янгийўл муסיкали драма театрида ишлаб юрган даврида Тўхтасин Жалилов, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоков, Мухторжон Муртазоев, Холхўжа Тўхтасинов каби замонанинг устоз санъаткорлари билан танишди. Уларнинг сабоғини олди ва биргаликда ҳамкорлик қилди. Ҳофиз ижодининг ривожини, ўзига хос ижро мактабини яратиши ҳамда бетакор ашулалар яратишида ушбу жамоанинг жуда катта таъсир этганлигини этироф этиш лозим.

Орифхон Ҳотамов ижодининг шаклланишида Фарғона-Тошкент ижро анъаналари, айниқса, устози Жўраҳон Султоновнинг хонандалик анъанаси катта таъсир этган. Бастакор ўз ижодида юздан ортиқ мумтоз йўлларга мансуб бўлган ашулалар яратди. Асарлари орасида Навоий ғазаллари билан

“Қоши ёсинму дейин”, “Бўлмиш”, “Қаро бўлибдур”, Ноқис ғазалига Маҳмур мухаммаси “Ҳасратда доғман”, Машраб сўзига “Эй сабо”, “Сени кўрдим”, “Ҳожат эмас”, Лутфий ғазали “Сенсан севарим”, Нодира ғазали билан “Баҳор эт”, Фузулий ғазаллари “Билмас” ва “Карам қил” каби қатор ашулалар хонандалар амалиётида катта иштиёқ билан ижро этиб келинмоқда.

Эсон Лутфуллаев – Ўзбекистон халқ хофизи. Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд драма театри, Ўзбек давлат филармонияси “Мақом” ансамблида фаолият кўрсатган. Устозлари Жўраҳон Султонов ва Маъмуржон Узоқов анъаналарининг давомчиси. Репертуаридан “Наврўзи сабо”, “Феруз I-II”, “Мўғулчаи Наво”, “Чапандози Баёт”, “Чоргоҳ I”, “Бухоро Ироғи”, “Сувора”, катта ашулалар “Соғиндим”, “Оҳким” каби мақом ва мумтоз ашула йўллари ўрин олган. Ўзи басталаган “Кўзига сурма қилди”, “Юраги тоза бўлсин”, “Зор этма”, “Дастингдан”, “Ноз уйқуси”, “Афсона деб” 100 га яқин кўшиқлари шинавандалар кўнглидан жой олган.



Ўзбекистон телевидениесида Эсон Лутфуллаев ижодига бағишланган “Эсон Лутфуллаев куйлайди” ва “Бокира туйғулар” видеофильмлари суратга олинган.



Бахрулло Лутфуллаев – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон санъат арбоби. “Меҳнат шухрати ордени” билан тақдирланган. Ўзбекистон давлат консерваториясининг дирижёрлик, композиторлик бўлимларини тамомлаган.

Ўзбекистон давлат маданият ва санъат институтининг вокал кафедраси профессори.

Бастакорнинг “Самарқанд ушшоғи”, “Ёр истаб”, “Ҳазилкаш шоҳ”, “Мангу машғал” каби мусиқали драмалари, солист ва хор учун “Хур Ўзбекистон”, “Тошкентим бор” сюиталари, “Она” поэмаси, “Фирок” хор туркуми ва бошқа бир қатор асарлари ижодининг ёрқин намуналаридан ҳисобланади. Бастакорнинг мусиқали драмалари Муқимий номидаги мусиқали драма театри репертуаридан кенг ўрин олган.

Фортепиано ва камер оркестри учун ёзган “У огня”, 5 та симфония, концерт-симфония “Дугоҳ”, “Улуғбек юлдузи”, “Ўлка” поэмалари, “Тошкент баҳори” вокал рақс сюитаси, торли кватретлар шулар жумласидандир.

Бастакор вокал жанрида 400 дан ортиқ асарлар яратган, ижод наъмуналарининг энг саралари радионинг “Олтин фонди” дан жой олган.



Бахтиёр Холхўжаев – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти совриндори.

Тошкент давлат маданият институтини тамомлаган.

Муҳиддин қори Ёқубов номидаги Ўзбекистон давлат филармонияси “Шодлик”, “Турон чечаклари” ансамбли хонандаси, Ўзбекистон давлат телерадиокомпанияси муҳаррири лавозимларида ишлаган.

Жиззах вилояти академик ва халқ бадийи жамоалари ансамблининг фахрий хонандаси сифатида фаолият кўрсатмоқда.



Рамиз Усманов – Ўзбекистон халқ артисти Тошкент давлат консерваториясини тамомлаган. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти сифатида бир неча халқаро кўрик-танловларда иштирок этган. Москвада ўтказилган “Раманцияда” кўрик-танлови, Баку шаҳрида ўтказилган “Булбул” халқаро кўрик-танловида “Булбул” мукофотини,

Алма-ата шаҳрида “Бибигул Тўлегенова” номидаги халқаро операчилар кўрик-танловининг гран-при совринларини қўлга киритган.

Австриянинг халқаро операчилар кўрик-танловида 2-ўрин, Беларуссияда ўтказилган халқаро операчилар кўрик-танловида гран-при соҳиби бўлган.

Зулхумор Мамарасулзода “Нихол” мукофоти совриндори.

Абдулла Қодирий номли Жиззах Давлат Педагогика институти педагогика – психология факультетини битирган.



“Ягонасан, муқаддас Ватан!”, “Келажак овози”, “Баҳор тароналари”, “Санъатим – саодатим”, каби танловлари ғолиби. “Ёлпистеъдодларни кашф қилиш”, “Ёшлар худуди”, “Мустақиллик менинг тақдиримда”, “Ташриф”, “Орзулар сари” танловлари иштирокчиси.

ЭЛНИНГ СУЙГАНЛАРИ



Марат Зокиров – тажрибали педагог, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими. Самарқанд давлат Университитенинг физика-математика, Самарқанд кишлок хўжалик институтининг агрономия факультетларини тугатган. Жиззах туманидаги 16,36-мактабларда ҳамда Абдулла Қодирий номидаги Жиззах педагогика институти қошидаги иқтидорли болалар лицейи директори вазифаларида фаолият кўрсатган. Устоз раҳбарлик қилаётган лицейда вилоятнинг энг иқтидорли болалари танлов асосида ўқитилади.



Парда Зиётов – Жиззах туманидаги “Куёшсевар Парда” фермер хўжалиги раҳбари. Умрининг қирқ беш йилини кишлок хўжалигини ривожлантиришга бағишлади. Олий Мажлис Сенати аъзоси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати сифатида қатор хайрли ишлар ташкилотчиси. Вилоятдан биринчи бўлиб “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига сазовор бўлган. Тадбиркор фермернинг сув танқислиги ёки табиатнинг қутилмаган синовлари олдида ер чизиб ўйга толган пайти бўлмаган. Бунисига энди “беш” кетмай илож йўқ. Биз қўпинча меҳнат бахт келтиради, деймиз. Парда Зиётовга ўхшаш мард, қамтар, фикр – мулоҳазали, оқ кўнгил ва ҳалол инсонларга албатта бахт келтиради, чунки меҳнат қилган инсон элда обрў-эътибор ва барака топади.



Анорбой Эшматов – Самарқанд вилояти Булунғур туманида туғилган. Уста пахтакор оддий сувчиликдан пахтачилик бригадаси бошлиғи, фермер хўжалиги раҳбари, Жиззах вилояти фермерлар кенгаши раиси даражасигача бўлган фаолиятида заминни эъзозлаганининг ризқи улуг бўлишини исботлади. Самарали меҳнати ер билан тиллашган инсонни элга танитди, қишнинг қаҳратони-ю, ёзнинг саратонида тиниб-тинчимай қилган ҳалол меҳнати эвазига элнинг олқишини олди.

Анорбой Эшматов “Шухрат” медали, “Эл-юрт хурмати” ордени, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” фахрий унвонига сазовор бўлди, тоғ-тоғ “оқ олтин” хирмонлари, тиллодай ғалла хирмонлари Анорбой аканинг кўксига Қаҳрамон унвонини тақди.



Аср мўъжизаси ҳисобланган, минтақада ягона “Ангрен-Поп” электрлаштирилган темир йўли қурувчилари сардори **Эркин Уматов** Жиззах нафақат ёрқин истеъдодлар, уста деҳқонлар, тажрибали педагоглар, балки матонатли темирйўлчилар юрти эканини исботлади. Меҳнат фаолиятини темир йўл станцияси монтери вазифасидан бошлаган, “Ҳайратон Мозори Шариф темир йўлини лойиҳалаш ва қуриш лойиҳаси” гидротехник иншоотлар қурилиши бўйича олиб борган самарали фаолиятида ҳам, “Ўзбекистон темир йўллари” Бухоро минтақавий темир йўл узелининг Самарқанд темир йўл дистанцияси бошлиғи вазифаларида ҳам бу матонатли инсон ота касби темир йўлчиликнинг барча заҳматлари-ю, шарафларини бошидан ўтказди. Юртдошларимизнинг узоғини яқин қилиш, дуоларини олиш мақсадидаги “Ангрен-Поп” электрлаштирилган темир йўлининг атиги ўттиз икки ойда фойдаланишга топширилганида ҳам Эркин Уматовнинг бекиёс ҳиссаси бор.

ЗОМИНДАГИ АДАБИЁТ СЕМИНАРИ

Жиззах истеъдодлар макони. Ҳар соҳада ўз ишининг устаси бўлган иқтидорлар яшайди бу юртда. Адабиётнинг кенг ва қурашчан майдонида ўз сўзи, ўз йўналишига эга бўлиш ҳар бир иқтидор эгасининг орзуси. 1996 йилдан бошлаб Зоминда ҳар йили ўтказиладиган адабиёт байрамлари ўзбек адабиёти янги номлар ва ўтли асарларни олиб кирди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Жиззахнинг фахрий фуқароси, Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов Зоминнинг Ўриклисой дам олиш масканида ҳар йили ўтказиладиган ёш ёзувчиларнинг семинари ҳақида шундай деган эди:

“Қўлига қалам олган шоир борки, Ватан, халқ, она ҳақида шеър ёзади. Бу мавзуларнинг алифбоси десак бўлади, чунки ушбу мавзуларни четлаб ўтган ижодкорни топиш қийин. Истеъдодларнинг юзага чиқишига шароит яратиб бериш ҳар қандай раҳбарнинг ҳам қўлидан келмайди. Истеъдод

учкунлари ялтираб турган, катта адабиёт йўлига дадил кадам ташлаб кириб келаётган ёшларнинг илк асарлари Зоминда, Ўриклисойда ёзилди.

Халқимиз азалдан истеъдодли халқ. Ҳеч бир қийинчилик бу ёшларнинг истеъдодини тўхтатолмайди, бизнинг бахтимиз, келажагимиз шунда.

Жиззахнинг ардоқли фарзандларидан бири, умри бўйи қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасида раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилса-да, адабиётга ва маънавиятга бошқача бир меҳр ва эҳтиром билан ёндошган, ўн йиллар мобайнида Зоминдаги адабиёт анжуманларида иштирок этган, ёшларнинг истеъдодларига назмий ва насрий асарларнинг зоминча ифодаларига юксак баҳо берган ҳақиқий адабиёт муҳлиси Ўриш Мажидовнинг хотиралари айниқса эътиборлидир.

Адабиёт байрамининг дастлабкисидан тортиб энг охиригисигача кузатиб келаман, — хотирлайдилар Ўриш ака, — бир китобхон сифатида, ўзбек адабиётининг ашаддий муҳлиси сифатида, фарзандларим, невараларимни ҳам Ўриклисойга олиб чиқиб, ўзим яқиндан билган ижодкорлар билан таништираман, суҳбатлаштираман, адабиётни билсин дейман-да. Иштирокчиларнинг яхши баҳо олганларини ижодини матбуотда кузатиб келаман, агар биротасининг китоби чиққудай бўлса, албатта олиб ўқийман, мабода муаллифнинг ўзини кўриб қолсам дастхат оламан.

Уйимда Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Азим Суюн, Ҳалима Худойбердиева сингари катта шоирларимизнинг ёшлигида дастхат ёзиб берган илк китоблари бор. Бу доимо мени қувонтиради, шахсий кутубхонамда илмий, энциклопедик асарлардан сртиқ ўн мингдан ортиқ бадий китобим бор. Имкон қадар уларни ўқийман, фарзандларим ва набираларим ҳам бениҳоя китоб мутолаасини яхши кўришади, оилавий китобсеварлармиз. Эски “Жиззахчўлқурилиш” ташкилоти биносида махсус музей ҳам очганмиз. Кирсангиз кўз қувонади.

Зомин истеъдод мактабидан чиққан ҳар бир истеъдод эртага ижодий мевасини бермай қолмайди. Мана, беряпти ҳам. Мен уларни ойнаи жаҳонда ёки матбуот саҳифаларида кўриб қолсам, ёки китобини харид қилсам набираларимга кўрсатиб мактанаман: ана Ўриклисойда шеърини тинглаганинг шу киши бўлади, кўрдингми, шундай даражага эришибди, мана бизда дастхати ҳам турибди.

Шунинг ўзи катта гап эмасми?

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Рустам Мусурмон шундай эслайди:

Бир неча йиллар Зомин туманидаги ям-яшил арчазорларга бурканган, баланд тоғлардан тойчоқдек сакраб-сакраб югуриб тушаётган Ўриклисой бўйларидаги сўлим масканда республика ёш ижодкорларининг семинарлари - кенгаши ташкил этилди. Шеърят карвонининг сорбони устоз Абдулла Орипов, кадрдон шоир акаларим Йўлдош Сулаймон, Муҳаммад Юсуф ортидан “Кўй келади кўзи билан, бир-бирининг изи билан” деганларидек бир гала ёш ижодкорлар ҳар йили Зомин тоғларида ўтказиладиган ижодкорлар мактабига борадиган бўлди. Зомин семинарини Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрами арафасида ўтказилиши мустақиллик байрамларига ўзига хос совға бўларди. Дастлабки пайтларда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг муҳбири сифатида мазкур семинарда қатнашган бўлсам, кейинчалик семинарнинг кўнгилдагидек ўтказишга жалб этилган масъул ижодкорлардан бири сифатида фаолият юритдим. Ҳар йили мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан таклиф этилган ёш ижодкорлар уч кун давомида Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Йўлдош Сулаймон, Муҳаммад Юсуф, Сафар Барноев, Турсунбой Адашбоев, Ҳалима Худойбердиева, Энахон Сиддиқова, Хуршида, Маҳмуд Тоиров, Сирожиiddин Саййид, Минҳожиддин Мирзо, Бахтиёр Генжамурод, Собир Ўнар, Аҳмаджон Мелибоев, Мурод Абдуллаев, Мирпўлат Мирзо, Умида Абдуазимова, Зебо Мирзаева, Қўчқор Норқобил, Хосият Рустамова ва бошқа ижодкорлардан адабиётнинг барча жанрлари бўйича бадиий ижод сирларини ўрганар эди. Семинарни юксак даражада ўтказиш, ҳам устоз шоирлару ёзувчиларнинг, ҳам ёш ижодкорларнинг кўнглини кўтариш, уларни бадиий ижодга янада илҳомлантириш учун Жиззах вилояти ҳокимияти раҳбарлари, маҳаллий ташкилотчилар жон-жаҳди билан тер тўкиб меҳнат қилар эдилар. Жиззахлик машҳур миришкор Ўриш Мажидов, шоира Сайёра Тўйчиеванинг дўстона суҳбатлари, раҳматли Шарофат Ботирова, Туроб Мақсуднинг дил изҳорлари ҳамон ёдимизда. Уларнинг ўзларини ўтга-чўққа уриб елиб югуришлари шундоқ кўз ўнгимизда турибди. Семинарда қатнашган ҳар бир ёш ижодкорни, ҳар бир устоз адибни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлашга алоҳида эътибор берилар эди.

Ўриклисойда янграган шеърларни қорли тоғлар, асрий арчалар, тиник сувли шалолалару саркаш сойлар, турли гулу гиёҳлар ҳам тинглаб роҳатланар эди, десам муболаға қилмайман.

Савиноз Мусатдинова, Насибали Мамбетирзаевалар қорақалпоқ тилида, Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнберг, Века Осадченко, Дмитрий

Черников, Антонина Иплина рус тилида шеърлар ўқир, шу жойнинг ўзидаёқ уларнинг шеърлари ўзбек тилига таржима қилиш учун танлаб олинар ва матбуотга тавсия этиларди.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъат” газетаси, “Ёшлик” журнаlining ўша йилларда чоп этилган сонларини кутубхонадан олиб варақласангиз, турли жанрдаги кўплаб янги асарларнинг, ёшлар ижодига бағишлаб ёзилган мақолалар ва хабарларни яна қайтадан мириқиб ўқийсиз ва адабиётимиз ривожига Зомин семинарининг нақадар катта аҳамиятга эга бўлганига тан берасиз. Ўша йилларда Зоминчи ёшларнинг асарларидан жамланган “Гуллаш пайти келди, боғларим” номли жамоа тўплами ҳам Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти томонидан нашр этилган эди.

Ижодий машғулотларда муваффақият билан қатнашиб, ғолибликни қўлга киритган ёш ижодкорлар семинар якунида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига тавсия этилар, Тошкентга қайтганимиздан сўнг кўп ўтмай уларга аъзолик гувоҳномалари топширилар эди.

Семинар адабий жамоатчилик дарғалари, устозлар назарига тушишнинг энг самарали имконияти эди. Эҳ-ҳе, қанчадан қанча ёшлар кимсан Абдулла Ориповдай улў устознинг эътиборига тушиш бахтига муяссар бўлдилар. Машғулотлар давомида истеъдодли ёшлар ярқ этиб кўзга ташланиб қолар ва бир овоздан ҳамманинг эътирофига сазовар бўлар эди. “Ёшлик” журнали бош муҳаррири Нодир Жонузок, Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби Муҳиддин Абдусамад, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Адиба Умирова, Нилуфар Умарова, Ободон Турдимуратова, Ориф Тўхташ, Ғайрат Мажид, Шоди Отамурод, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари Гулжамол Асқарова, Маъмура Ёқубова, Насибали Мамбетирзаева, Қумар Бекниязова, русийзабон ижодкорлар Века Осадченко, Александр Махнёв Зомин мактабидан чиққан.

Шу ўринда Зомин истеъдод мактаби иштирокчиларининг 23 нафари Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлгани, 78 нафарининг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинганини фохр билан тилга оламиз.

Зоминда ёзилган ёниқ битиклар нафакат устозларнинг назаридан ўтди, балки ёшларни назм ва наср бўстониининг файзиёб оламига етаклади. Ўриклисой илҳомларидан намуналар келтирамыз.

ЗОМИН ИСТЕЪДОД МАКТАБИ

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири устоз Абдулла Ориповнинг менинг ва бошқа тенгдошларимизнинг тақдиримизда, ижодкор бўлиб шаклланишимизда ўрни, меҳр-эътибори бекиёс бўлган. Устоз 1995 йилда Ёзувчилар уюшмаси раиси лавозимида иш бошлади. Ўшанда мен “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг “Назм ва наср” бўлимининг муҳбири лавозимига ишга қабул қилиндим. Орадан бир йил ўтгач, 1996 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолларининг Абдулла Орипов раислигидаги йиғилишида Иқбол Мирзо, Салим Ашур ва мен Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилиндик.

Ўтиш даврининг мураккаб шароитларида турмуш кечириётган пайтимизда устоз Абдулла Орипов бошимизни силади – пиёзнинг пўстидай юпқагина китобчаларимиз чиққанига қарамай бизларни расман Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилди, ўзлари қатнашган катта давраларнинг минбарларида шеър ўқишимизга атайин шароит яратиб берди, ижодий сафарларда ёнида олиб юриб, ижод сабоқларини ўргатди. Ана ўша пайтларда ҳозирги Юртбошимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ташаббуслари билан Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги ям-яшил арчазорларга бурканган, баланд тоғлардан тойчоқдек сакраб-сакраб югуриб тушаётган Ўриклисой бўйларидаги сўлим масканда Республика ёш ижодкорларининг “Зомин” семинар-кенгаши ташкил этилди.

Шеърят қарвонининг сорбони устоз Абдулла Орипов, кадрдон шоир акаларим Йўлдош Сулаймон, Муҳаммад Юсуф ортидан “Қўй келади қўзи билан, Бир-бирининг изи билан” деганларидек бир гала ёш ижодкорлар ҳар йили Зомин тоғларида ўтказиладиган ижодкорлар мактабига борадиган бўлди. “Зомин” семинарини Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрами арафасида ўтказиш анъанавий тус олди.

Дастлабки пайтларда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг муҳбири сифатида мазкур семинарда қатнашган бўлсам, кейинчалик семинарнинг кўнгилдагидек ўтказишга жалб этилган масъул ижодкорлардан бири сифатида фаолият юритдим. Чунки, 2000 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига адабий маслаҳатчи бўлиб ишга қабул қилинганим туфайли Зомин

семинарининг ташкилий ишларини бажариш бевосита хизмат вазифамга кирар эди.

Мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан таклиф этилган ёш ижодкорлар уч кун давомида Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Йўлдош Сулаймон, Муҳаммад Юсуф, Сафар Барноев, Турсунбой Адашбоев, Ҳалима Худойбердиева, Энахон Сиддиқова, Хуршида, Маҳмуд Тоиров, Сирожиддин Саййид, Минҳожиддин Мирзо, Бахтиёр Генжамурод, Собир Ўнар, Аҳмаджон Мелибоев, Мурод Абдуллаев, Мирпўлат Мирзо, Умида Абдуазимова, Зебо Мирзаева, Қўчқор Норқобил, Хосият Рустомова ва бошқа ижодкорлардан адабиётнинг барча жанрлари бўйича бадиий ижод сирларини ўрганадиз эди.

Семинарни юксак даражада ўтказиш, ҳам устоз шоирлару ёзувчиларнинг, ҳам ёш ижодкорларнинг кўнглини кўтариш, уларни бадиий ижодга янада илҳомлантириш учун Жиззах вилояти ҳокимияти раҳбарлари, маҳаллий ташкилотчилар жон-жаҳди билан тер тўкиб меҳнат қилар эдилар. Жиззахлик машҳур миришкор Ўриш Мажидов, шоира Сайёра Тўйчиеванинг дўстона суҳбатлари, раҳматли Шарофат Ботинова, Туроб Мақсуднинг дил изҳорлари ҳамон ёдимизда. Уларнинг ўзларини ўтга-чўққа уриб олиб югуришлари шундоқ кўз ўнгимизда турибди.

Иштирокчиларни кутиб олиш, кузатиш, ижодий машғулотларни ўтказиш, кечки дам олиш вақтини мазмунли ташкил этиш учун барча шароит бекаму қўст муҳайё этиларди. Семинарда қатнашган ҳар бир ёш ижодкорни, ҳар бир устоз адибни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлашга алоҳида эътибор берилар эди.

“Зомин” семнари замонавий адабиётимизнинг яхши ва самарали анъаналаридан бири эди. Миллий адабиётимиз равнақиға янада юксак эътибор қаратилаётган шу кунларда Жиззах вилоятидаги “Зомин”, Қорақалпоғистон Республикасидаги “Ақчақўл илҳомлари” ёш ижодкорлар семинарларини яна қайта тикланса, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф каби устозлар руҳи бўлур эди. Зотан, ана ўша гўзал ва сўлим гўшаларда улуг устозларнинг излари қолган, ҳеч қачон ўлмайдиган сўзлари қолган.

Рустам МУСУРМОН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, шоир

Ёш шоирларга

Бу диёрда тоғу тош шоир бўлиб,
Ерга тушгайдир қуёш шоир бўлиб.
Ўргатар қуйлашни булбул сувлари,
Майса ҳам тебрайди бош шоир бўлиб.
Бундайин ҳеч бир диёр оламда йўқ,
Гул билан гул рангалош шоир бўлиб.
Сиз унинг заҳматларига дил беринг,
Дардларига елкадош шоир бўлиб.
Дилчироғ шоир бўлинг дилқароғ,
Кетмангиз ҳеч дилтарош шоир бўлиб.
Бу жаҳонда қоралик бор ҳам риё
Сиз яшангиз нурпош шоир бўлиб.
Шеърят – оташ муҳаббатдир билинг,
Жону бағрингиз тутош шоир бўлиб.
Ўйлабон ҳам қуйлабон қорин билан
Ўтмоқ ҳам мумкин ош шоир бўлиб.
Ёр зулфин атридай ёшлик ўтар
Қолмагaysиз ҳеч ёш шоир бўлиб.
Сиз – элингиз қалбининг мирзолари
Элга сўз айтинг қуёш шоир бўлиб.
Тенг бўлингиз аҳли олам бирла ҳам,
Қардош ҳам дарддош шоир бўлиб.
Улғайсангиз баркамолу безавол
Юртингизга кўзу қош шоир бўлиб.

Сирожиддин Саид

Ўзбекистон халқ шоири

Ўн тўққиз ёш

Ўн тўққизнинг сочлари оппоқ
Нигоҳларим турар заъфарон,
Гулдонингиз гуллар чамани.
Мен бошқача сизни севаман
Ғунчаларга қўмилган каби.

Осмонлардан тушиб келдим мен
Боғларингиз армонга тўлиғ.
Кўзларимга ўт истаяпман
Борлиғим ишқ... Ўн тўққизим ишқ.

Олмалардек адашиб оққан
Кўнгилгинам Сизга кўндими?
Кўзингизга оловлар ёққан
Юлдузгинам эрта сўлдими?

Яшайманми гулдек сарғайиб
Ҳовлингизга хазон тўлади.
Елкангизга бошимни қўйиб
Бир чиройли ўлгим келади.

Осмонлардан баландроқ эдим,
Ишқингизга қўмилдим шу чоғ.
Боғингиздан кетиб борар жим
Ўн тўққизнинг сочлари оппоқ.

Адиба Умирова

Ўриклисой

Дилларингни яйратади ҳаволари
Сувлар қуйлаб, кўнглинг олар наволари.
Ҳар ер гиёҳ, кўпми дейман даволари
Бунча ахир, гўзалликка бунчалар бой,
Ўриклисой?!

Осмонўпар қад кўтарган улкан тоғлар,
Чўққисида арча дарахт дилинг доғлар,
Кўрган сайин кўнглим чоғлар, кўнглим боғлар,
Оқшомлари чехрасига ярашар Ой,
Ўриклисой?!

Таъриф қийин тўғрироғи тилда айтиш,
Кимки кўрса ярашади дилда айтиш,
Бу кунларга арзир шукр кунда айтиш,
Дилгинамнинг тубларидан олдинг-ку жой-
Ўриклисой?!

Гулбахор Эгамбердиева

Орзу

Силасайдим соғинчингни,
Қўлларимдан тутсайдинг.
Шунча кутганнынг бири
Яна бироз кутсайдинг.
Не бўларди Дилижон,
Шунча бағринг тошмиди?
Битта ошиқ шоирнинг-
Оҳларига етсайдинг.
Ҳолим сўраб дўстларим
Мийиғида кулишар.
“Ўттизга ҳам кирмасдан
Яхшигина кексайдинг!”
Ишқинг ўти юракдан
Оташ берса танимга.
Кўксим узра сочингни
Сув сингари тўксайдинг.
Муҳаббатда бир йўл бор
У ҳам бўлса...Юракка!
Мен дилингга сингисам,
Сен қалбимга чўксайдинг.
Афсус, энди бари кеч
Тишларимда синар сўз:
Тур-муш ку-риб кет-гун-ча
Бир мушт уриб кетсайдинг.

Ориф Тўхташ

ҲАММАГА ЁҚҚАНЛАРИМ

Спорт эли танитади, спорт элга танитади. Жиззах Олимпия захиралари коллежида биринчи мусобақаларини бошлаган ёш спортчилар жаҳон ва Осиё шоҳсупаларига тинимсиз машқ ва устозлар меҳри билан чиқишди. Мана шундай таникли ёш спортчиларнинг галабалари билан Сизни таништиргимиз келди. Жиззахлик машҳур спортчи **Зуфар Қодиров** оғир атлетика бўйича Ўзбекистон чемпиони, Таиланд ва Қирғизистонда бўлиб ўтган Осиё чемпионати бронза медалини, Шимолий Корея Республикаси Осиё чемпионатида ғолибликни, Афро-Осиё мусобақалари совриндорлигини қўлга киритган.



Россиянинг Казан шаҳридаги Жаҳон чемпионати иштирокчиси бўлган спортчи Қодиров Жиззах Олимпия захиралари коллежида 2016 йилдан буён оғир атлетика бўйича мураббийи вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

У коллежда иш жараёнини бошлагандан ўзининг салмоқли меҳнатлари орқали жамоа орасида алоҳида ажралиб туради, топширилган вазифага маъсулият билан ёндошиб келаётган ходим сифатида жамоада алоҳида ҳурмат ва эътиборга эга.



Хуришд Тожибоев Жиззах Олимпия захиралари коллежининг бокс бўйича мураббийси, Халқаро тоифадаги спорт устаси.

Бокс бўйича Ўзбекистоннинг бир неча бор чемпионат ғолиби. 2007 йил Алмати шаҳрида ўтказилган ёшлар ўртасида Осиё чемпионатида олтин медалга сазовор бўлди.

Хитойда ўтказилган Осиё чемпионати кумуш медал совриндори, Италияда ўтказилган Жаҳон чемпионати иштирокчиси, Болгарияда ўтказилган Халқаро турнирнинг олтин медал, Тошкентда ўтказилган С.Л.Д.Жаксон Халқаро турнирнинг олтин медал, Мексикада ўтказилган чемпионатнинг бронза медали соҳиби.

Рио-де-жанейро (Бразилия)да бўлиб ўтган 31 ёзги олимпиада ўйинлари иштирокчиси.



Марина Хмелевская

Марина Жиззах Олимпия захиралари коллежининг энгил атлетика бўйича мураббийи вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

У коллежда ўзининг ҳар бир бажараётган ишига масъулият билан ёндошиб келаётган ходимлардан хисобланади.

Хмелевская Марина ташкилий ишларда жамоа билан барабар фаол қатнашиб ўз обрў-эътиборига эга бўлиб келмоқда.



Ёқутхон Холбекова

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетини тугатган.

Ўзбекистон паралимпия ассоциациясида энгил атлетика туридан шуғулланишни бошлагандан буён ўзининг салмоқли меҳнатлари орқали жамоа орасида алоҳида ажралиб туради.

Спортнинг энгил атлетикага тури бўйича Ўзбекистон чемпионати олти карра чемпиони.

Бирлашган Араб Амирлигида ўтказилган мусобақалар чемпиони, спортнинг энгил атлетика тури бўйича Осиё рекордини янгилаган, Жанубий Корея давлатининг Инчюн шаҳрида ўтказилган Пара-Осиё спортчилари ўртасида ўтказилган мусобақаларда қумуш медал, Африка қитъасининг Тунис давлатида Паралимпиячилар ўртасида ўтказилган мусобақада олтин медалга сазовор бўлди.

ТАФАККУР БЕКАТЛАРИ

Дунёнинг энг мўътабар биноси мактабдир, деган экан машойихлар. Бола ҳарфни, сўзни, яхшилигу эзгуликни мактабда олади. Яхши билан ёмонни, оқ билан қорани, баланду пастни мўътабар устозларидан ўрганади.

Сўз ҳазрат мулкининг султони ҳазрат Навоий айтганларидек:

“Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин юз ганж ила”

Илмнинг, тафаккурнинг ўчоғи мактаб остоналарида олинган билим инсонни умрининг охиригача ёдидан чиқмайди. Биринчи муаллимимиз, азиз синфдошларимизни, болалигимизни, беғубор вақтларимизни эслатаверади.

Вилоятда жами 755 та таълим муассасалари 541 нафари умумтаълим мактаблар, 4 таси махсус мактаб-интернатлар, 1 таси Мехрибонлик уйи, 170 таси эса мактабгача таълим муассасалари, 14 таси Баркамол авлод марказларини, 13 таси болалар ва ўсмирлар спорт мактабини, 15 та Мусиқа ва санъат мактаблари, 1 та педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти фаолият кўрсатади. Таълим ўзбек, рус, қozoқ, қирғиз ва тожик тилларида олиб борилади.

Жонқуяр устозларнинг 18127 нафари фарзандларимиз таълим-тарбияси билан шуғуллансалар, 16207 нафари олий маълумотли, 49 нафари тўлиқсиз олий маълумотли ва 1871 нафари ўрта махсус маълумотлига эга бўлган мутахассислардир.

Биргина 2016 йилда ўтказилган фан олимпиадасида 500 нафар мактаб ўқувчиларининг билимлари синаб кўрилди. Олимпиада якунларига кўра жами 92 нафар, 90 нафар умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва 2 нафар махсус мактаб интернатларининг ўқувчилари ғолибликни қўлга киритишди. Билимлар синови нафақат ўқувчиларнинг, балки улар билан синовга биргаликда тайёргарлик кўрган устозлари учун ҳам ўзига хос имтиҳон бўлди.

Бундан юз йил муқаддам улуғ маърифатпарвар боболаримиздан бири Маҳмудхўжа Бехбудий “Бизга икки тил эмас, тўрт тил керакдур” деганларида дунё андозаларига мос таълим-тарбия беришга ихтисослаштирилган ўқув даргоҳларида фарзандларимиз бир неча хорижий тилларда бемалол гаплаша олишларини назарда тутган бўлсалар керак.

Шу жиҳатдан воҳада чет тили ўқитувчиларнинг касб маҳоратини ошириш мақсадида вилоятдаги 32 та таянч мактаблар негизида қирқдан ортиқ гуруҳ ташкил этилгани ва ушбу гуруҳларга минг нафарга яқин инглиз тили ўқитувчиларининг жалб этилиши жиззах ёшларининг илму салоҳиятларини ошириш борасидаги хосиятли қадамлардан биридир.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида гап кетганда 49 510 ўқувчи ўрнига эга бўлган 75 та касб-хунар коллежлари ва 2 945 ўқувчи ўрнига эга 4 та академик лицейлар фаолият кўрсатмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, академик лицей ва касб-хунар коллежларида таҳсил кўраётган ўқувчиларга 4 790 нафар педагог ходимлар таълим бераётган бўлса, уларнинг 11 нафари фан номзодларидир.

Ҳаммага ўрнатилган бўлаётган иқтидорли ўқувчиларнинг номлари ҳақида фахр билан сўзламоқ лозим.



“Навоий” номидаги давлат стипендияси соҳибаси **Шодиёна Абдуғаппарова** “Чингиз Айтматов ижодида инсон маънавий-руҳий оламининг бадий талқини” мавзuidaги изланишлар олиб бормокда, ўттиздан ортиқ илмий мақолалари нафақат республикада, балки хорижий давлатларда ҳам эълон қилинмокда. “Таълим муассасаларида Чингиз Айтматов ижодини ўрганиш методикаси” методик қўлланмаси, “Адабиёт – маънавият фарзанди (“Чингиз Айтматов асарлари мисолида”) номли рисоласи ёш бўлишига қарамай илм майдонидаги биринчи қадамларидандир.

Институтнинг яна бир иқтидорли талабаси **Одилжон Шодиев** республика ва хорижий илмий анжуманлари иштирокчиси, қирқдан ортиқ мақолалари, “Шарқ адабиёти ва Алишер Навоий ижодида “Лайли ва Мажнун” қиссалари” рисоласи, “Таълим муассасаларида Алишер Навоий ижодини ўрганиш методикаси” методик қўлланмаси борасидаги изланишлари учун “Навоий” номили давлат стипендиясига сазовор бўлган.



Шахло Облоқулованинг инглиз-ўзбек-рус тилларидаги ботаник терминлар луғатининг электрон дастурини ишлаб чиққани, бугунги кунда инглиз адабиётидан ўзбек тилига ва ўзбек адабиётидан инглиз тилига бевосита таржиманинг долзарб масалалари борасидаги изланишлари, “Роберт Бёрнст шеърияти ўзбек тилида” мавзuidaги илмий рисоласи яна бир талант соҳибасининг “Навоий” стипендиясига лойиқ деб топишганининг исботидир.

Жиззахнинг яна бир олий ўқув даргоҳларидан бири **Жиззах Политехника институти** “Автотранспорт”, “Саноат технологиялари”, “Био ва муҳандислик инженеринги” факультетларида фаолият олиб бораётган **Ғайрат Эгамназаров** **Абжамил Кўчимов**, **Оқбута Адилов**,



Санобар Эшбекова, Муқаддас Тиркашева Одил Куйчиев, Орзикул Ҳакимов, Аъзам Бердикулов, Облокул Бердиев, Фурқат Назаров, Жамшид Абдуназаров сингари устозларнинг ёш олимларнинг изланишлари талабалар учун ўрнак бўлмоқда.

Қадрли мураббийларнинг меҳнати эса қатор илмий-анжуманларда фахрли ўринларни эгаллаётган, инновацион лойиҳаларни илгари сураётган талабалар изланишларида намоён бўлмоқда.



«Бино ва муҳандислик иншоотлари инженеринги» факультети талабаси **Бекзод Турсунов** “Шаҳарсозлик ва ландшафт дизайни” мавзuida изланишлар орлиб бормоқда. Республика талабалар фан олимпиадалари голиби бўлган. Абу Райҳон Беруний номли давлат стипендияси соҳиби.

Элёр Абдурахмонов институт қошидаги “Қурилиш маҳсулотларини синаш” аккредитацияланган лабораториясида олиб бориш жараёнида иссиқ, майда дондорли асфальтобетон қоришмаларида минерал қукуннинг ролини тадқиқот иши сифатида қўлланилиши соҳасида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Мазкур тадқиқот ишининг мазмуни автомобиль йўлларида қўлланиб келинаётган асфальтобетон қопламаларининг мустаҳкамлик сифатларини оширишда, маҳаллий хом-ашёлардан олинган минерал қукуннинг аҳамиятига қаратилган. Республика талабалар фан олимпиадалари голиби бўлган. Абу Райҳон Беруний номли давлат стипендияси соҳиби.

Бионолар ва муҳандислик иншоотлар инженеринги факультети талабаси Акбар Турсунов Республика талабалар фан олимпиадаси ғолибидир. “Юрт келажиги” иқтидорли ёшлар танлови республика босқичида “Шаҳарсозлик ва ландшафт дизайн” номинацияси ғолиби бўлган. Абу Райҳон Беруний номли давлат стипендияси соҳиби .

ЭЛ СОҒЛИГИ – ЮРТ БОЙЛИГИ

Юртимизда миллат генофондини асраш, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг амалдаги кўриниши Шошилинч тиббий хизмат Жиззах вилояти жамоасида ҳам давом этмоқда. Бир қатор олимлар ва амалиётчиларнинг самарали меҳнатлари воҳа аҳлининг алоҳида эътирофларига лойиқ. Марказ тиббиёт ходимларининг бир гуруҳи Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ва ихтисослаштирилган хирургия ва кардиология марказларида, йигирма нафарга яқин жарроҳу кардиологларнинг Жанубий Корея, Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Россия, Австрия давлатларида амалиёт ўтаб қайтганлари юқори технологияли аппаратуралар ёрдамида замонавий диагностика ва даволаш усуллари амалиётга тадбиқ этиш борасидаги дадил қадамдир.



Мана шундай шифокорларнинг бири **Абдуманнон Баратов** ҳисобланади.

Таниқли травматолог-ортопед, Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетини тугатган. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали шошилинч ҳамкор ва асоратланган травмалар бўлими мудири вазифасида ишлади, ҳозирги кунда шу бўлимда врач травматолог бўлиб ишлаб келмоқда. 1981 йилдан ҳозирги кунгача вилоят бош травматолог ортопеди, 50 дан зиёд травматолог-ортопедлар устози. Биринчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби.

«Ўз касбининг моҳир эгалари» кўрик танлови республика босқичи ғолиби бўлган.

Травматология – ортопедия соҳаси бўйича 40 дан ортиқ илмий мақола ёзган. Баратов Абдуманнон 42 йиллик иш фаолияти давомида 30 мингдан ортиқ беморларга ёрдам кўрсатиб, уларни 12 мингдан зиёдини мурракаб травматологик – ортопедик жарроҳлик усулида даволаган.

ЭЛНИНГ КУЧИ ДЎСТЛИКДА

Жиззах вилояти бўйича бугунги кунда қирғиз, тожик, қozoқ, татар, рус, корейс миллий марказлари фаолият қилиб келмоқда.

Вилоятда қирғиз миллатига мансуб 50 минг, тожик миллатига мансуб 40 минг, қozoқ миллатига мансуб 28,7 минг, татар миллатига мансуб 7,5 минг,

корейс миллигига мансуб 2,8 минг, рус миллигига мансуб 15,3 минг киши истиқомат қилади.



ЮРТ САНОАТИ – ХАЛҚ САОДАТИ

Вилоятда соҳасидаги ислохотлар борилмоқда. ягона “Жиззах жамияти фирмалари (МАС, WIRTZ,

саноат ҳам катор олиб

Минтақада аккумулятор заводи”

акциядорлик

жаҳоннинг илғор

фирмалари (МАС, WIRTZ,




OXMASTER, LINKLATER, PROPERZI ва бошқа) технологияларини қўллаган ҳолда энг замонавий талабларга жавоб берадиган SMF, MF ва DIN турдаги аккумулятор батареялар ишлаб чиқармоқда. Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар «ENERGY», «ATLANT», «CLASSIC» ва «HOPPENERGY» савдо маркалари билан сотилмоқда.

Ишлаб чиқарилган аккумуляторларнинг ярми Россияга экспорт қилинмоқда. Буни завод ишлаб чиқарган маҳсулотларга жаҳон миқёсида олинган мукофотлар ва медаллардан билиш мумкин. Масалан, 2006 йилда завод ISO 9001:2000 стандарти бўйича сифат менежменти тизими сертификатини олган. 2007 йил “Golden trophy for quality” ва “European Quality” мукофотини совриндори бўлган. 2012 йилда эса ISO/TS 16949:2009 бўйича сифат менежменти тизими сертификатига эга бўлган. 2012 йили юқори сифатли маҳсулот учун “Высшая проба” халқаро мукофотининг лауреати дипломи билан тақдирланган.




“Жиззах пластмасса” акциядорлик жамиятининг асосий фаолият тури полимер маҳсулотлар (полиэтилен трубалар, боғловчи деталлар (фитинги), полиэтилен пленкалар ва халқ истеъмол буюмлари) ишлаб чиқаришдир.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ички бозорда сув таъминоти ва канализация тизимларида, пахтани плёнка остида экишда, ғўзани суғориш тизимида ва иссиқхоналарда ишлатилмоқда.



“KARBONAT” акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикасидаги оҳактош ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган йирик корхона ҳисобланади.

Кон, тегишли мутахассислар томонидан тайёрланган ва давлат органлари билан маъқулланган техник лойиҳа асосида ишлаб чиқилган. Пармалаш ва портлатиш ишлари ихтисослаштирилган ташкилотнинг




алоҳида участкаси томонидан амалга оширилади, уларда бир ойда 50000 м³ ҳажмда пармалаш ва портлатиш ишларини амалга ошириш учун керакли техника мавжуд бўлиб, бу 125 тонна оҳактошни ташкил этади.

Корхонада ижтимоий ва экология масалаларини ҳал этишга катта эътибор қаратилган. Ўз водопровод қувурлари

орқали доимо ҳудудни кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда.



Минтақада ягона Зафаробод тумани ҳудудидаги Пистали тоғ бағрида жойлашган портландцемент ва оқ цемент заводи гигант лойиҳалардан биридир. Завод замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.



Корхонадан 1,5 километр узоқликда бўлган Баликли тоғ ва Кўтармо тоғ бағридан топилган оҳактош захиралари завод учун 150 йилга етиши тахмин қилинмоқда. Портландцемент ва оқ цемент ишлаб чиқариш учун хомашё ҳамда компонентлар республикаимзда мавжуд бўлиб, гипс — Бухородан,

лёс – Жиззахдан, кварц қуми – Навоийдан, каолин – Ангрендан, таркибида темир моддаси бўлган қўшимчалар Олмалиқдан келтирилади.


Кувонарлиси, ушбу корхона республикамиздаги бешинчи цемент заводи бўлиши билан бирга, оқ цемент ишлаб чиқаришга ихтисослашган ягона корхонадир. Бу корхонани бунёд этишдан асосий мақсад юртимизда амалга ошириладиган қурилишларни сифатли ва арзон хомашё билан таъминлаш, саноат салоҳиятини юксалтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, халқимизнинг турмуш даражасини янада яхшилашдан иборатдир.



«Жиззах пластекс» корхонаси йилига 9000 тонна пахтадан қайта ишланган ип ва 4600 тонна трикотаж матони ишлаб чиқаради.

Ип ишлаб чиқаришда Германия Италия, Швеция, компанияларининг сўнгги замонавий ускуналари ўрнатилган.

Тўқув ишлаб чиқариш бўлимида Германия компаниясининг ускуналари ўрнатилган.



Корхона Италия, Германия, Ҳиндистон, Туркия, Украина давлатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган.



"EUROASIA CARPET" қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш қуввати юқори замонавий технологик тизимга эга бўлган гилам буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Бельгия ва Германияда ишлаб чиқарилган замонавий технологик линия билан қайта жиҳозланган Турли гилам маҳсулотлари Россия ва Қозоғистонга экспорт қилинмоқда.

NARGIZA-TEKS» тикув трикотаж фабрикасининг асосий ишлаб чиқариш йўналиши болалар ва ички кийим тайёрлаш учун ишлатиладиган



трикотаж мато тайёрлаш бўлиб, фабрикада ишлаб чиқариш жараёни фақат замонавий юқори сифатли трикотаж мато, шунингдек, энг яхши аксессуарлар ва қўллаш аппликациялари, безак ашёси усулларида фойдаланишга асослангандир

Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан “Жиззах” махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармонига асосан ташкил қилинган “кичик саноат шаҳарчаси” да амалга оширилаётган лойиҳалар мақтасак аризулик.

Кварц хомашёсидан йилига тўрт миллион квадрат безакли ойна ишлаб чиқарадиган корхона 2013 йилда ташкил этилган “Жиззах” эркин индустриал зонасидаги қирқ учинчи корхонадир.

Бундай корхоналар сони келгуси йилда элликтага етади, корхоналар сони ошиши билан, турган гапки импорт маҳсулотлари ўрни қопланади, экспорт салоҳияти ошади, энг муҳими янги иш ўринлари очилади.


Кенг ассортиментдаги замонавий электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхонада замонавий телевизор, совутгич, кир ювиш машинаси, кондиционер, чанг ютгич, электр газ плитаси, электр печлари ишлаб чиқарилади.




Маҳсулотлар асосан Қозоғистон Республикасига маҳсулот экспорт қилинган.

Қувурларни, полипропилен қувурлар, фитинглар, вентиль ва аксессуарларни монтаж қилиш учун жиҳозлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Master Building Product" МЧЖ қўшма корхонаси эса полипропилен қувурлар, фитинг, вентиль ва сантехника жиҳозлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Светодиод лампаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Yorqin Chiroqlar” қўшма корхонаси йилига 2,5 млн. дона светодиод лампалари ишлаб чиқариш қувватига эга.




“Quyosh Issiqlik Energiyasi” қўшма корхонаси қуёш энергияси билан сув иситиш тизимини (коллекторини) таъкил этишга ихтисослаштирилган қўшма корхона қуёш энергияси билан 15.0 минг. дона сув иситиш тизимларини (коллекторларини) ишлаб чиқариш қувватига эга.



Шиша толали момикдан иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган “ECOCLIMAT” “қўшма корхона шиша толали момик листлар ва ўрамали шиша толали момик ишлаб чиқаришга ихтисослашган.




Телекоммуникация ускуналарини (OLT GPON, абонент терминали ва бошқаларни) ишлаб чиқаришга ихтисослашган “BROADBAND SOLUTIONS” қўшма корхонасида замонавий телекоммуникация ускуналари ишлаб чиқарилади.



Оптик толали тармоқ учун пассив ускуналар ва аксессуарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган “ZTT TELEKOM” қўшма корхонаси оптик толали тармоқ учун пассив ускуналар ва аксессуарлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган.


Видео ва IP телефон аппаратларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Smart Vision” қўшма корхона видеотелефон, IP телефонлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Полипропилен иплари ва гилам маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Diamond Carpet” қўшма корхонаси ўз маҳсулотларини Россия Федерацияси ҳамда Қозоғистон Республикасига экспорт қилмоқда.




Кенг ассортиментдаги тикув фурнитураларини ва аксессуарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Luxury Furniture Business” қўшма корхона страздан тайёрланган маҳсулот, металл ва пластик тасмалар синтетик тўқув иплари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Кенг ассортиментдаги электротехника ва электр ўрнатиш жиҳозларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган “BEEK ELECTRO” қўшма корхонаси электротехник ва электр ўрнатиш жиҳозларини ишлаб чиқариш қувватига эга.



Енгил автомобиллар учун тормоз колодкалари, автобус ва юк автомобиллари учун тормоз накладкалари, метро вагонлари ва трамвайлар учун накладкалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Auto Pad Systems” қўшма корхонаси ишлаб турибди.

Гипсокартон листларини монтаж қилиш учун метиз, металл профил ва аксессуарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Master Screw Systems” қўшма корхонаси метиз, металл профиль ва аксессуарлар ишлаб чиқариш қувватига эга.




Хитой, Туркия, Россия ва қатор Ҳамдўстлик давлатлари билан ҳамкорликдаги лойиҳалар нафақат вилоят, балки республика иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Қатор иш ўринларнинг очилиши, ёшларнинг жаҳон стандартлари асосидаги жиҳозларни ишлаб чиқаришдаги иштироки, айниқса, қувонарли ҳолдир.


ТАБИАТ АЖОЙИБОТЛАРИ

Жиззах воҳасида Зомин Халқ боғи ва Нурота ва Зомин қўриқхоналари мавжуд. Марварид шаршаралар, беҳад кенг қиру адирлар бағридаги чашма-ю булоқлар табиатнинг беназир мўъжизалари саналади. 48 минг гектарли Зомин Халқ боғининг кўриниши табиатнинг шоҳ асарига ўхшайди. Халқ боғининг ёнгинасида Зомин қўриқхонаси жойлашган. Қўриқхонада юздан ортиқ доривор ўсимликлар, ноёб паррандаларнинг 150 дан ортиқ турини учратиш мумкин.


Нурота давлат қўриқхонаси Нурота тизмасининг марказий қисмида жойлашган. Нурота қўриқхонаси ҳудуди Марказий Осиё ўсимлик етиштириш марказларидан бири сифатида эътироф этилади.




Нурота қўриқхонаси ҳудуди Айдаркўл томон тоза ва шаффоф сувлар оқувчи турли ўлчамдаги ўндан ортиқ сув оқимлари (сойлар) билан кесишади.



Нурота тизмаси Помир-Олой ва Тянь-Шан тоғ тизмалари ва Туроннинг чўл текисликлар орасидаги, ҳудудлар ичида ўзига хос муҳити туфайли ҳосил бўлган оригинал флора дунёси билан ажралиб туради. Ҳам тоғли ва ҳам чўлли ҳудудларида шифобахш характерли ўсимлик турлари кўп учрайди. Нурота тизмасида 78 оилага тегишли томирли ўсимликларнинг 814 тури мавжуд.





Нурота кўрикхонаси ва унинг атрофидаги ҳудудларда кўплаб қадимий сайёҳлик объектларини учратиш мумкин:

Қадимий петроглифлар (Икки минг йиллик тош суратлари);



Минг ёшли Шарқ биёласи (Можум қишлоғида);





СУРАТЛАРДА ЖИЗЗАХ НАФАСИ


























www.uza.uz сайти суратларидан фойдаланилди.

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Она юрт, она Ватан, она тупроқ, она эл деймиз. Дунёдаги неки муқаддас нарса бўлса онанинг номи билан қўшиб айтамыз. Она меҳрининг қудрати ҳам шунда. Она юртинг ҳақида ёзсанг, мисралар равон келаверар экан. Биз Сизга азиз Ўзбекистонимизнинг бир гўзал воҳаси ҳақида баҳоли қудрат сўз айтдик. Осойишта ва тинч замоннинг, меҳнатсевар ва самимий халқнинг меҳнат зафарларидан сўзладик.

Дунёга назар солинг, қурраи заминимизнинг қайси бурчакларида машғум уруш туфайли гулдай рўзгорлар, ниҳолдай болалар хазон бўлмоқда. Қай бир юртларда болалар таълим олмоқ тугул ҳатто қорнилари овқатга тўймайди.

Сиз жаҳон андозаларига мос таълим даргоҳларида, спорт майдонларида, энг янги адабиётлар ва ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятига эгасиз. Бу тенгсиз имкониятларнинг ҳаммаси давлат сизнинг келажагингиз учун қайғураётганидан далолат. Эртанги кунингиз, орзуларингиз ушалишининг қафолати.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосчиси ва муаллифи, мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон болалари учун лозим бўлса дунёнинг нариги чеккасидан бўлса ҳам таълим учун керакли жиҳозларни муҳайё қилиптилар.

Ота-боболаримиздан қолган гап бор. Катталарнинг неки савоб ишларига дуо бермоқчи бўлган қарияларимиз “Болангдан топ” деб ҳикматли дуо қилишади. Биз эса Сиздан ўзбекона маърифат, ўзбекона ҳурмат, алломаларимиз илму тафаккурини топмоқ учун ҳаракатдамыз. Ёшликда олинган билимнинг тошга ўйиб ёзилгандек ўрни борлигини назарга олсак, илмингиз зиёда бўлсин. Ўзбек спортини дунё майдонларига олиб чиқиш дастуриламалингиз бўлсин.

Жаннатмакон ўлкамизнинг яна бир сўлим гўшаси Жиззах ва унинг меҳмондўст халқи ҳақидаги ҳикояларимизда тариху қадри, қаҳрамону истеъдодни, санъатқору ёзувчини ҳаёту ижодидан ибрат олсангиз арзийди.

Эрку ҳурриятнинг мангу ҳайкаллари, оловлардан омон чиққан самандарлар ҳисобланмиш “Жиззах қўзғолони” қатнашчилари, озодлик тимсоллари – мустабид тизим қатағонлари қурбонлари бўлмиш Жиззахнинг билимдон ва зиёли ўғлонлари, ўзбек шеърятининг икки улуғ устунлари

ЖИЗЗАХ АЛЁРИ

Темур ўтган бу юртларда фидойи жонлар яшар,
Ўзига хон, ўзига бек соҳиб замонлар яшар.
Боғларида гул ундирган, тоғларида дур ундирган,
Бўлмагани бўлдирган тилло имконлар яшар.
Жиззахларда кимлар яшар, танги деҳқонлар яшар,
Ўз сўзида вафоси бор кўнгли осмонлар яшар.
Бахмалмиди Ғаллаорол, жаннатлардан не фарқи бор,
Бўғдойлари таъзим берган тоғдай хирмонлар яшар.
Жиззахларда кимлар яшар, марду майдонлар яшар,
Алломишу Барчинойдек тоза райҳонлар яшар.
Азиз элга мадад бўлган, боласидай қанот бўлган,
Туркистонга қувват бўлган, қизу ўғлонлар яшар.
Ватан менинг жону дилим, қуёш томон борар йўлим,
Сенга деган азиз элим, кўшиқ дostonлар яшар.

ЎЗБЕКИСТОН

Ёруғ тонглар сирга такқан наҳорларда,
Сахий қуёш нур улашган саҳарларда,
Бу диёрнинг муқаддас, пок бўйлари бор,
Момоларим такқан асл туморларда,
Дунёга зеб берган садарайҳон ўзинг,
Ўзбекистон ўзинг, Ўзбекистон ўзинг.

Не баётдир жонбахш кўшиқ, аллаларинг,
Ёстигингга қуёш кўнган паллаларинг.
Кўзмунчокдир жаннатий тўрт фаслинг аро
Кўзларига ҳайрат тўлган болаларинг.
Ҳар кимга ҳам насиб этмас бўстон ўзинг,
Ўзбекистон ўзинг, Ўзбекистон ўзинг.

Ҳаётимиз тангри берган неъмат бўлур,
Савоб қилсак умримизга зийнат бўлур.
Эл юкини елкаласак оғринмайин,
Дуога қўл очсанг қанча қувват бўлур,
Етмиш икки томирдаги дармон ўзинг,
Ўзбекистон ўзинг, Ўзбекистон ўзинг.

Синовдир бу кимлар келиб, ким кетмаган
Ҳавас қилиб кимлар етиб, ким етмаган,
Бешигида авлиёлар ўсган элнинг-
Дуо истаб қўлларидан ким тутмаган.
Етмиш икки томирдаги дармон ўзинг,
Ўзбекистон ўзинг, Ўзбекистон ўзинг.

Аслим билинг – битта яхлит юракмиз биз,
Пахтадай оқ, сувдай тиниқ тилакмиз биз.
Икки дунё тақдиримиз шу заминда-
Фақатгина шу Ватанга керакмиз биз,
Замон ўзинг, макон ўзинг, жаҳон ўзинг –
Ўзбекистон ўзинг, Ўзбекистон ўзинг.

Азиз ўқувчим!	3
Жиззах десам	5
Тарих тилга кирганда	7
Жиззах қўзғолони	17
Озодлик тимсоллари	18
Икки дил достони	21
Совуқ уруш хабари	23
Чин инсон қиссаси	26
Синмаган ҳақиқат	30
Табаррук қадамжолар	30
Истиқлол меъмори	36
Мустақиллик одимлари	37
Адабиёт яшаса – миллат яшайди	40
Илми ёруғ инсонлар	45
Санъатим – саодатим	47
Элнинг суйганлари	50
Зоминдаги адабиёт семинари	51
Зомин истеъдод мактаби	55
Ҳаммага ёққанларим	61
Тафаккур бекатлари	62
Эл соғлиги – юрт бойлиги	67
Элнинг кучи дўстликда	67
Юрт саноати – халқ саодати	68
Табиат ажойиботлари	75
Кўнгилдаги гаплар	93